КПСС XXVI
СЪЕЗДИ
ҚАРОРЛАРИНИ
АМАЛГА
ОШИРАМИЗ

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
газетаси

ГАЗЕТА
1974 ЙИЛ
1 ЯНВАРДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН

10 АВГУСТ, 1982 ЙИЛ
СЕШАНБА
№ 182 (2.588).
Баҳоси 3 тийин.

**60 СССР йиллигига зарбдор ҳафталиклар**

СССРнинг шонли 60 йиллиги шарафига давом этаётган зарбдор ҳафталикларда республикамиз дала ва фермаларининг марду-майдонлари совет кишиларига хос ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

9 августдан бошланган қирқинчи зарбдор ҳафталик Совет Латвиясига бағишланмоқда.

# МАТБУОТНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

Мамлакатнинг Озиқ-овқат программасини маъқуллаган КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорларини бажаришда матбуотимиз, телевидение, радио эшиттириш, китоб нашриётларимиз катта ўрин олади.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари қишлоқ хўжалигини ва у билан боғлиқ бўлган саноат тармоқларини янада юксалтириш тадбирларини ишлаб чиқишга амалий ҳисса қўшдилар. Газета ва журналларнинг саҳифаларида, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг белгиланган планларни бажариш соҳасидаги ишларини, қишлоқ, бутун агросаноат комплекси меҳнатчиларининг социалистик мусобақасини ёритиб турибдилар. Матбуот энг яхши хўжалик ва корхоналарнинг тажрибасини таҳлил этмоқда, бу тажрибанинг оммалашувига актив кўмаклашмоқда, меҳнат коллективларининг, шаҳар ва қишлоқ коммунистларининг ташаббусларини ҳамда бошлаган янги ишларини пропаганда қилмоқда.

Ҳозир кўпгина газеталар «КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорларини амалга оширамиз», «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши», «Озиқ-овқат программасига амал қилиб» ва бошқа рубрикаларни очганлар. Пленум қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежнев докладидаги қоида ва хулосаларни тушунтириб берадиган материаллар, шунингдек пропагандистларга, агитаторларга, лекторларга, сиёсий маориф ва иқтисодий таълим системасининг тингловчиларига ёрдам берувчи шарҳлар босилмоқда, меҳнаткашларнинг саволлари ва хатларига жавоблар берилмоқда. Бир қанча редакциялар илғор хўжаликларда қишлоқ ривожининг энг муҳим проблемаларини, мавжуд қийинчиликлар ва камчиликларни бартараф этиш йўлларини муҳокама қилишга бағишланган «стол теварагида» мажлисларини ўтказдилар. Украинадаги «Рабочая газета» саноат корхоналарининг қишлоқ учун ғоят самарадор техника яратишга қўшаётган ҳиссасини мунтазам хабар қилиб турибди. «Коммуна» [Воронеж], «Ставропольская правда» қишлоқ экономикаси проблемаларини, агросаноат комплексини бошқариш системасида амалга оширилаётган ўзгартишларни билимдонлик билан таҳлил этмоқда. Харьков областининг «Красное знамя» ва «Социалистическая Харьковщина» газеталари қишлоқ хўжалик машинасозлиги объектлари қурилишини ва уларнинг реконструкция қилинишини контрол остига олдилар.

Қишлоқ — район партия комитетларининг, колхозлар, совхозлар, агросаноат комплекси корхоналари бошланғич партия ташкилотларининг кўп қиррали фаолиятига матбуот, радио, телевидение алоҳида эътибор бериши талаб этилади. Чунки меҳнатнинг самарадорлиги, партия қўйган вазифаларнинг бажарилиши уларнинг куч-ғайратига, одамлар билан ишлаш маҳоратига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

Газета ва журналларнинг саҳифаларида, радио ва телевидение программаларида ишни севадиган, ўзларига топширилган участка учун жон куйдирадиган ижодкор, собитқадам кишилар тўғрисидаги материаллар муносиб ўрин олиши лозим. Улар ҳақида журналистлар чин қалб сўзларини эркин, эҳтиросли, самимий тарзда айтишлари керак. Қишлоқ меҳнатчиларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаш, илғор тажрибани пропаганда қилиш ва жорий этиш — матбуотимизнинг бевосита вазифасидир.

Баъзан турли газета кампанияларида бўлганидек, журналистлар бошлаган ижодий изланиш бўшашиб қолмаслиги керак. Кўп тиражли газетадан тортиб марказий нашргача бўлган ҳар бир матбуот органи партия белгилаб берган халқ фаровонлигини ошириш программасини рўёбга чиқариш йўлидаги яппи курашда ўз ўрнини аниқ белгилаб олиши, меҳнат коллективларидаги ишларнинг аҳволига таъсир ўтказишнинг янги самарали формаларини қидириши лозим. Редакциялар иш практикасида қишлоқни ривожлантиришнинг истиқбол проблемаларини ёритиш билан бирга — кундалик вазифалар — ем-хашак тайёрлаш, ҳосилни йиғиштириб олиш ва шу каби вазифаларни оператив таҳлил этишни моҳирона қўшиб олиб бориш муҳимдир.

СССРнинг Озиқ-овқат программаси 1982 йилдаёқ ўзининг дастлабки самараларини бериши керак. Шунинг учун ҳам матбуотда эълон қилинган материаллар коллективларни дон, гўшт, сут ҳамда дала ва фермаларнинг бошқа маҳсулотлари харид қилиш йиллик планларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажаришга сафарбар этишга кўмаклашадиган бўлиши зарур. Ҳозир бир қанча газеталарда «Етиштирилган жами ҳосил сақлаб қолинсин!» деган рубрика пайдо бўлди. Матбуот деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини ошириш, ердан, ишлаб чиқариш фондларидан, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш, нобудгарчиликни тугатиш, хўжалик юритишнинг янги методларини ўзлаштириш, агросаноат комплексининг ҳамма бўғинларида энг яхши пировард натижаларга эришиш учун умумхалқ социалистик мусобақасининг актив ташкилотчиси бўлиши лозим

Газета ёки журналда, бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материалларда муваффақиятга эришиш йўли яққол очиб берилган, илғор тажрибанинг бошқа коллективларда такрорланиши ва ривожлантирилиши имкониятлари кўрсатилган тақдирдагина у сезиларли самара беради. Матбуот мусобақанинг кенг ошкоралигини ҳамда социалистик мажбуриятнинг бажарилиши якунланишини таъминлаши, ютуқлардан ва муваффақиятсизликлардан ҳамма жойда келажак учун сабоқ чиқариб олинишига эришиши мумкин ва лозим.

Қишлоқдаги социал ўзгаришларни кўрсатиб бериш, қишлоқ аҳолисининг уй-жой-маиший ва социал-маданий шароитларини яхшилаш проблемаларини атрофлича тасвирлаш — редакциялар ишидаги муҳим йўналишларнинг биридир. Бу — Озиқ-овқат программасининг таркибий қисмидир. Актуал мавзуларни ёритишда журналистлардан билимдонлик, қишлоқ меҳнатчиларининг талаб ва эҳтиёжлари моҳиятини англай билиш, баён этишнинг ишонарли шаклини топа билиш маҳорати талаб қилинади.

Газета материалларининг теранлиги ва таъсирчанлиги партия комитетларининг ўз нашрларига қандай эътибор беришларига бевосита боғлиқдир. Редакция коллективлари фаолиятининг асосий йўналишларини аниқ белгилаб бериш, турли ахборот ва пропаганда органларининг куч-ғайратларини мувофиқлаштириш, энг муҳим материалларнинг самарадорлиги устидан партиявий контроллик, ташкилий-оммавий ва сиёсий ишда шу материаллардан фойдаланиш — мана шу ва бошқа иш формалари ва методлари амалда яхши натижалар берди. Ўтган йилларда матбуотга партия раҳбарлиги соҳасида пайдо бўлган ҳамма янги ва қимматли тажрибаларни бундан буён ҳам ривожлантириш лозим. Бу матбуот обрў-эътиборини, унинг оммага, жамоатчилик фикрини шакллантиришга таъсирини кучайтиришнинг ишончли шартидир.

Озиқ-овқат программасини амалга ошириш — умумпартиявий ишдир, умумхалқ ишидир. Совет кишилари фаровонлигини янада ошириш йўлидаги умумхалқ курашининг олдинги сафларида бўлиш, партия режаларининг рўёбга чиқишига сўз ва иш билан кўмаклашиш — матбуотнинг, ундаги ҳар бир ходимнинг юксак бурчидир.

[«ПРАВДА» газетасининг 9 августдаги бош мақоласи].

# ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАН МИҚДОРИДА

## ФОТОРЕПОРТАЖ

## МЎЛ-КЎЛ ОЗУҚА ЖАМҒАРАЙЛИК

Озуқа мўллиги—маҳсулот сероблигини яхши тушунган Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз чорвадорлари юбилей йилида мўл-кўл озуқа жамғаришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Улар сигирлар маҳсулдорлигини давлатдан олинаётган омухта ем ва шелуха билан бирга ўз далаларидан олинаётган озуқалар ҳисобига ошириб бормоқдалар. Колхоз чорвадорлари озуқа экинлари етиштириш имкониятларидан тўла фойдаланмоқдалар. Ҳар йили икки йиллик план миқдорида ем-хашак жамғаришга эришилмоқда.

Шу кунларда хўжаликнинг маккажўхори экилган майдонларида иш қизғин. «Херсонец» комбайнлари юқори унум билан ишлаб турибди. Колхоз азаматлари ҳар гектар ердан 600 центнердан силосбоп кўкпоя олиш ниятида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бундан ташқари, бедазорларда тўртинчи ўрим жадал олиб борилмоқда. Ҳар гектар ердан ҳозиргача 200 центнердан беда пичани йиғиштириб олинди. Силос бостиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Силос бостириш чорва молларини йил бўйи юқори сифатли, ширали озуқа билан узлуксиз таъминлаш имконини беради. Буни яхши билган хўжалик чорвадорлари ҳозиргача 2100 тоннадан зиёд силос бостиришга эришдилар.

— Фермамизда 1105 қорамол бор,—дейди ферма мудири Тўлаган ака Қуронов. — Биз чорва молларининг маҳсулдорлиги йил сайин ошиб боришига эришяпмиз. Бунинг учун моллар зотини яхшилашга, мустаҳкам озуқа базасини яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Фермамиз ходимлари мўл-кўл озуқа жамғаришда ҳал қилувчи давр ҳисобланган ёзнинг илиқ-иссиқ кунларидан самарали фойдаланмоқдалар.

Озуқа жамғаришда колхозда ташкил этилган махсус ем-хашак бригаданинг ишлари диққатга сазовор бўлмоқда. Тўрахўжа Расахонов бошлиқ бригада аъзолари ибрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Мазкур коллектив силос учун етиштирилган маккажўхорини тез кунлар ичида ўриб-йиғиб олишга ҳаракат қилаётир. Чунки, бу ерлар ҳосилдан бўшаши биланоқ дарҳол ҳайдалиб, такрор маккажўхори экилади. Куз охирига бориб бу маккажўхоридан ҳам мўл-кўл кўкпоя олиш мумкин бўлади.

Фермада сут соғувчилар ўртасидаги социалистик мусобақа ҳам яхши йўлга қўйилган. Бунда ёш коммунист Дилбар Қосимова пешқадамликни қўлдан бермаётир. У айни пайтда ҳар бош сигирдан кунига 12—14 килограммдан сут соғиб олишга эришмоқда. Дилбар фермада олиб борилаётган ғоявий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларнинг кучайтирилишида ташкилотчилик кўрсатмоқда. Моҳир соғувчининг келгусидаги режалари янада улкан. У ўз қарамоғидаги 20 бош сигирнинг ҳар биридан 4500 килограммдан ортиқроқ сут соғиб олмоқчи.

Юбилей йилида хўжалик чорвадорлари она-Ватанга 1250 тонна сут ва 110 тонна гўшт топшириш учун курашмоқдалар. Улар СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга ўз муносиб ҳиссаларини қўшиш ва шонли юбилейни меҳнатда улкан ютуқлар билан кутиб олишга азму-қарор қилишган.

**И. АЛИМОВ.**

◆

Суратларда: 1. Пешқадам сут соғувчи Дилбар Қосимова. 2. Маккажўхорикорлик бригадаси бошлиғи Тўрахўжа Расахонов ва илғор механизатор Камол Низомиддинов ўртоқлар ҳосил чўғидан мамнун. 3. Ферма мудири Тўлаган Қуронов (ўртада) Абдумат Турғунов ва Хайри Полвонова ўртоқлар билан силос сифатини кўздан кечиришмоқда. 4. Ўрим-йиғим пайти.

**Ж. Тўраев фотолари.**

# ҲОСИЛ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

СССРнинг 60 йиллиги нишонланадиган йилда ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилган бўлимимиз пахтакорлари 618 гектар ерга барака уруғи экиб, гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариш ва она-Ватанга 2 минг 100 тонна «оқ олтин» етказиб бериш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бу йил 350 гектар ерга «Тошкент—6», 268 гектар майдонга эса «АН—402» навли чигит қадаганмиз. Шу кунларда бўлимимиз далаларида бўлган киши серавж ва серҳосил ғўзаларни кўриб бахри-дили очилади.

Элибой Розиқов бўлимдагина эмас, балки совхозда ҳам уста пахтакор сифатида танилган. У етакчилик қилаётган бригада ишчилари 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариш йўлида фидокорона меҳнат қилишаяпти. Бригада механизатори Мўминжон Махмудов ғўза қатор ораларига ишлов беришда барчага ўрнак бўляпти. Сувчи Қаҳрамон Мадалиев эса ғўзани оби-тобида суғоришга жиддий эътибор беряпти. Камолиддин Мадалиев бошлиқ бригада заршунослари ҳам гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш йўлида тер тўкишмоқда.

Шуни айтиш керакки, бўлимда зараркунанда ва ҳашаротларга қарши кураш ишлари пухта ташкил этилган. Ғўзаларга нормадаги минерал ўғитларни бериб бўлганмиз. Айни кунларда органик ўғитларни «шарбат» қилиб оқизишни давом эттиряпмиз.

Минг тонна маҳаллий ўғит «шарбат» усулида оқизилади. Бўлимда 110 нафар сувчи юксак унум билан икки сменада меҳнат қилмоқда. Тожибой Камолов, Абдуллажон Хусаинов ва Турғунбой Толипов каби сувчилар ғўзани қондириб суғоришда намуна кўрсатишяпти. Улар сувнинг ҳар томчисидан унумли фойдаланиб, кам сув билан кўпроқ майдонларни суғоришга алоҳида эътибор беряптилар.

Сувчиларнинг унумли ишлашлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берганмиз. Бу йил сув ниҳоятда тақчил бўлаяпти. Шу сабабли сувнинг ҳар томчиси олтинга тенг. Ғўза қатор ораларига ишлов беришни тўхтатганимиз йўқ. Бўлим далаларида 13 та чопиқ трактори юксак унум билан ишлатиляпти. Бу ишда Шокиржон Исмоилов, Шоҳиджон Зоҳидов, Толибжон Раҳимов каби ишчан механизаторларимиз намуна кўрсатишяпти. Деҳқон меҳрига қонаётган ғўзалар кунда бир яшнаб, мўл ҳосил тўпламоқда.

Бўлимимиз ишчилари ҳозирги кунларнинг ҳар соатини ғанимат билиб, ғўза парваришини тез ва соз ўтказмоқдалар. Ўзаро социалистик мусобақа кенг авж олдирилган. Мусобақа шартлари ҳар ўн кунда якунланиб, илғорлар рағбатлантирилмоқда. Биз ишчиларимизнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берганмиз. 12 та дала шийпони дид билан безатилган. Тушликда ишчиларимиз марказий ошхонадан келтирилган мазали таомлар билан овқатланишади. Биз далада ишловчи оналарга ҳам етарли ғамхўрлик қиляпмиз.

**С. ИСМОИЛОВ,**
**Риштон районидаги «Риштон» совхозининг бўлим бошқарувчиси.**

# АДРЕСИМИЗ—СОВЕТ ИТТИФОҚИ

Ойлик ижтимоий-сиёсий «Советский Союз» журналининг саккизинчи сони босилиб чиқди. У СССРнинг 60 йиллигига бағишланган.

Журнал сони КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси КПСС Марказий Комитети секретари К. У. Черненконинг «Совет халқлари бузилмас иттифоқи» сарлавҳали мақоласи билан очилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигини эълон қилган советларнинг 1 Бутуниттифоқ съезди, унинг делегатлари тўғрисидаги, СССР гербининг яратилиши ҳақидаги материаллар берилган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг «Уйғонган кучлар», сарлавҳали мақоласида СССР халқлари оиласида Ўзбекистоннинг тақдири, республиканинг бугунги куни тўғрисида ҳикоя қилинади.

Совет ташқи сиёсати тўғрисидаги материаллар подборкаси «Халқлар тинчликда яшасин!» деб аталади.

Журнал планетадаги бир қанча таниқли давлат арбоблари ва жамоат арбобларига мурожаат қилиб, «СССРда миллий масаланинг ҳал этилиш тажрибасига ҳамда халқлар, миллатлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳозирги проблемаларни ҳал этиш учун шу тажрибанинг аҳамиятига қандай баҳо берасиз?», деган савол берган. Мана шу саволга қайтарилган жавоблар эълон қилинган.

Журнал сонида берилган «Советлар мамлакати» материаллари ҳар бир иттифоқдош республиканинг ҳаётидаги диққатга сазовор фактлар тўғрисида ҳикоя қилади. Бошқа материаллар ҳам берилган.

(ТАСС).

# БИНОКОРЛАРНИНГ ФАХРЛИ БУРЧИ

Ўзбекистон жамоатчилиги бинокорлар кунини нишонлади. Энг тинч касб меҳнатчилари ўз профессионал байрамини янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олдилар — бир қанча йирик саноат объектлари ишга туширилди, кўпгина шаҳар ва қишлоқларда болалар боғчалари ва мактаблар қурилди, минглаб оилалар шинам квартираларга кўчиб кирдилар. Бинокорлар Озиқ-овқат програмасини амалга ошира бориб, Жиззах, Қарши ва Сурхон-Шеробод даштларида канал ва ариқлар қазимоқдалар, қўриқ ерларда посёлкалар ва чорвачилик комплексларини барпо этмоқдалар. Ўз интернационал бурчига содиқ бўлган Ўзбекистон вакиллари Россиянинг Ноқоратупроқ зонасини, Ғарбий Сибирнинг ер ости бойликларини ўзлаштиришда, асримиз магистрали — БАМни қуришда ёрдам бермоқдалар.

Бинокорлар кунига бағишланиб Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида қурилиш самарадорлиги ва сифатини янада ошириш йўллари тўғрисида гапирилди. Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев иштирок этди.

(ЎзТАГ).

# ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Франциянинг таниқли ёзувчиси — Андре Стиль Ўзбекистон бўйлаб сафар қилмоқда. У Самарқанд ва Бухорода бўлди, ишчилар, колхозчилар, ижодкор зиёлиларнинг ҳаёти билан қизиқди. Меҳмон Тошкентда Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётининг иши билан танишди.

Андре Стиль 9 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

* * *

Ҳиндистонда чиқадиган «Нэшнл геральд» газетасининг бош редактори Хари Жайсингх Совет Ўзбекистони ҳаёти билан танишди. Меҳмон Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлди, Янгийўл районидаги Ленин номли колхозга, Тошкент тўқимачилик комбинатига ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг шарқшунослик институтига, Ўзбекистон ССР Журналистлар союзига борди.

(ЎзТАГ).

## *КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!*

# ЗАРБДОР ТАРМОҚ РЕЗЕРВЛАРИ

Барча қатори районимиз меҳнаткашлари ҳам 1982 йилни узоқ вақт эсда сақлаб қоладилар. Негаки, бу йил СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги кенг нишонланади. Яқингинада эса КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида партиямиз ғамхўрлигининг яна бир ёрқин ифодаси саналган СССР Озиқ-овқат программаси қабул қилинди. Шубҳасиз, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамизга келиши юбилей йилининг энг унутилмас, қувончли воқеасидир. Қадрдонимиз ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкент тантаналарида сўзлаган нутқида серқуёш диёр пахтакорлари, барча меҳнаткашлари эришаётган натижаларга юксак баҳо берди. Айни пайтда галдаги муҳим, долзарб вазифаларни зўр донишмандлик билан кўрсатиб берди.

Районимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимиз раҳбарининг йўл-йўриқ ва кўрсатмаларига амал қилиб масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда зўр омилкорлик, уюшқоқлик кўрсатиб ишлашга ҳаракат қилмоқдалар. Ахир, бу йилгидек масъулиятли, унутилмас дамларда хотиржам яшаш мумкинми. Йўқ, албатта. Зеро, ҳар кимнинг садоқати, омилкорлиги, бир сўз билан айтганда нималарга қодир эканлиги мана шундай пайтларда яққолроқ намоён бўлади. Районимиз меҳнат аҳли буни қалбдан ҳис қиляпти. Улар Озиқ-овқат программаси ҳозирнинг ўзидаёқ ўзининг кутилган самараларини беришига эришиш учун ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Тўғри, вазифалар кўлами ғоят кенг. Қишлоқ хўжалик райони мураккаб, кўп тармоқли организм. Бошқалар қатори қишлоқ коммунистлари ишининг натижалари кўп ва жуда хил ма-хил нарсалардан таркиб топади. Лекин шундай бўлса-да, бунда зўр ғайрат ва моҳирлик билан амалга ошириладиган партиявий раҳбарлик ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу боисдан ишнинг муваффақиятини таъминлайдиган қуйи звенолардаги цех партия ташкилотлари, партия группалари жанговарлигини ошириш, уларнинг асосий йўналишини кишиларда ишга онгли, ижодий муносабатда бўлиш ҳиссини кучайтириш, пировард натижада ҳар тармоқни интенсив ривожлантириб, мажбуриятларнинг бажарилишига эришишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамнуният билан таъкидлаш лозимки, Озиқ-овқат программасинининг муваффақиятли бажарилишига муносиб улуш қўшиш юзасидан белгиланган тадбирларимизнинг дастлабки кунлариданоқ изчил амалга оширилаётганлиги ўзининг қувончли натижаларини беряпти. Чунончи районимиз давлатга гўшт, сут, тухум сотиш бўйича 1982 йилнинг етти ойлик планини ортиғи билан бажарди. Характерлиси шуки, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан районимизда гўшт етиштириш 20 процент, сут 25 процент, тухум тайёрлаш эса 16 процентга ўсди.

Бунга нималар ҳисобига эришилди? Авваламбор моллар наслини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорвачиликни саноат негизи асосида ривожлантириш муваффақиятга эришишнинг ҳал қилувчи омилларидан бўляпти. Шунингдек, узоқ йиллардан буён чорвачилик касбини эъзозлаб, бой тажриба орттирган ҳамда ҳозирда ўзаро мусобақада пешқадамлик қилаётган илғорларнинг хайрли ҳаракатларини чуқур ўрганиш ва кенг оммалаштириш ҳам катта наф келтирмоқда. Биз Ленин номли колхоздан Гулчеҳра Бекбергенова, Сафарбой Қурёзов, Энгельс номли колхоздан Солия Давлатова, Охунбобоев номли колхоздан Ҳасан Абдуллаев, Отабой Қутликбоев, Наримонов номли колхоздан Муборак Оллоназарова каби илғор чорвадорларнинг иш тажрибаларини кенг пропаганда қилмоқдамиз. Ғолиблар моддий ва маънавий жиҳатдан муносиб рағбатлантириб борилмоқда.

Чорвачиликни ривожлантириш соҳасида бир қатор муваффақиятларга эришаётган бўлсак-да, лекин бу натижалар партия ва ҳукуматимиз ўртага қўяётган талаблар даражасида дея олмаймиз. Шу боисдан зарбдор тармоқни изчил ривожлантиришга хизмат қиладиган резервлардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор беряпмиз. **«Маҳсулдорликни ошириш —ҳар бош сигирдан сут соғиб олишни ва гўштга топшириладиган мол вазнини ошириш —энг асосий, энг муҳим талабдир»**, —дея таъкидлади ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI Пленумида қилган докладида. Бу кўрсатмалар район партия ташкилотининг доимий диққат-марказида бўляпти. Фақатгина чорва маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига районимизда амалдаги йилнинг ўтган етти ойи ичида 1981 йилнинг шу даврига нисбатан 418 тонна гўшт, 326 тонна сут, 1 миллион 420 минг дона тухум кўп етиштирилди. Наримонов номли, Калинин номли, «Хоразм» колхозларида эса ҳар бош сигирдан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 250—400 литрдан ортиқ сут соғиб олинди. Гўштга топширилган қорамоллар вазни камида 15 килограммга оширилди. Лекин баъзи хўжаликларимизда ҳар бош сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори йилига 2300—2400 килограммдан ошмаяпти. Ваҳоланки ёнма-ён хўжаликларда, деярли бир хил шароитда иш юритаётган Гулчеҳра Бекмуродова, Муборак Оллоназарова, Солия Давлатова каби ўнлаб сигир соғувчилар ҳар сигирдан йилига 5 минг килограммдан сут соғиб олишга эришяптилар. Демак, баъзи хўжаликларда талабчанликни кучайтириш, ҳар бир колхозчи, ишчи ўзининг бутун кучи, тажрибаси ва билимини ана шу тармоқни мустаҳкамлашга сарфлаши, давр талабини ҳисобга олган ҳолда меҳнат қилишга эришишларини таъминлашимиз зарур.

Эътироф этиш лозимки, районимиз колхоз ва совхозларда мураккаб ишлаб чиқариш ва иқтисодий масалаларни муваффақиятли ҳал этишга қодир бўлган мутахассислар, етук раҳбарлар жуда кўп. Бироқ, хўжаликлардаги шароит, эришилаётган натижалардан шу нарса маълум бўлдики, ҳали баъзи мутахассисларимиз хусусан зоотехниклар, оссименаторлар ўз вазифаларига ҳар доим ҳам сидқидилдан ёндошмаяптилар. Уларнинг айримлари масъулиятли дамларда тажрибасизлик қилиб қолмоқдалар. Бунинг оқибатида қанчадан қанча сигирлар қисир қоляпти. Кўплаб чорва маҳсулотлари йўқотиляпти. Чунончи, ўтган йили районимиздаги «Қизил жар» совхозида 116 бош икки ёшдаги ғунажинлар, «Дўстлик» совхозида эса 51 бош ғунажин қисир қолди. Бундай камчиликлар бошқа хўжаликларда ҳам бор. Зооветеринария ва наслчилик хизмати тўғри ташкил этилган тақдирда юқоридаги икки хўжаликда кўплаб бузоқ олиш, сут етиштириш мумкин бўларди. Бу Хоразм областидаги жами чорва маҳсулотларининг 35 процентини етказиб берадиган бизнинг районимиз учун катта резервдир.

Ҳозирда хўжаликларимиздаги қорамоллар бош сони 34273 тага етди. Бу ўтган йилдагига қараганда 1648 бош кўп демакдир. Район партия комитети қорамоллар бош сонини ошириш борасида конкрет тадбирларни амалга оширмоқда. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Районимиз учун Амударё соҳилидан 75 минг гектардан ортиқ майдон ажратиб берилган. Бу чорвачиликни янада ривожлантириш, мустаҳкам озуқа базасини яратиш имкониятини беради. Бироқ чорвачиликни ривожлантириш ўз навбатида бошқа масалаларни ҳал этишни тақозо этмоқда. Районимиз территориясида бунёд этилаётган замонавий чорвачилик комплекслари қурилишини иложи борича тезроқ тугаллаш, кам самара бераётган, аксарият ишлар қўл кучи билан бажарилаётган кичик фермалардаги молларни уларга кўчириб ўтказиш лозим. Шу боисдан тегишли ташкилотлар чорва объектларини муддатида сифатли фойдаланишга топшириш учун барча имкониятларни ишга солмоқлари даркор. Зеро, чорвачиликни изчил ривожлантириш, Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш юзасидан белгилаган тадбирларимизнинг кўнгилдагидек бажарилиши комплекслар қурилишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Сурхондарёликларнинг далачилик бригадаларида молларни парваришлаш ва бўрдоқига боқишни йўлга қўйиш соҳасидаги қимматли ташаббуси районимизда ҳам кенг қулоч ёйди. Ҳозир районимиздаги 163 бригадада 500 бош қорамол, 175 бош қўй ва эчки, 2700 бош парранда боқиляпти. Район партия комитети шахсий ва ёрдамчи хўжаликларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Қора моллари бўлган хонадонларга озуқа билан ёрдам бериш, улар етиштирган ортиқча маҳсулотни сотиб олишни яхши ташкил этиш соҳасида катта ташкилотчилик ишлари амалга ошириляпти. Район ижроия комитети билан ҳамкорликда илғорлар муносиб равишда тақдирланиб борилмоқда. Кези келганда шуни таъкидлашни истардимки, баъзи ерларда ёрдамчи хўжаликларни ташкил этишда уларнинг умумий сонига эътиборни кучайтириб, пировард натижа билан етарли қизиқилмаяпти. Ваҳоланки, баъзи ёрдамчи хўжаликлардаги фермалар майда ва нореитабел бўлиб, уларда жуда кам миқдорда гўшт ва сут етиштириляпти. Номигагина ёрдамчи хўжаликлар ташкил этаётган раҳбарлар фаолиятига принципиаллик билан баҳо беряпмиз. Умуман, ҳар бир хонадон томорқа участкасига эга бўлиши, чорва мол, парранда парвариш қила олиши учун шарт-шароитларни яратиб бериш борасида хўжаликлар маъмуриятлари, партия ташкилотлари ҳали кўп ишларни амалга оширишлари даркор.

Республикамиздаги бир қатор район ва хўжаликларда турли хил озуқа экинлари экиш тажриба қилиб кўрилмоқда. Кузги жавдар, сули, рапс, баҳорда эса бошқа озуқа экинлари экиб, гектаридан 350—360 центнердан кўкмасса олинмоқда. Биз ҳам оралиқ экинлари экиш ҳамда ундан мўл ҳосил олиш учун бор имкониятлардан фойдаланяпмиз.

Районда чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотишни ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб деярли икки баравар кўпайтириш мўлжалланмоқда. Албатта, бундай юксак натижаларга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун даставвал юқоридаги резервлардан тўла фойдаланишимиз, чорвачиликни саноат негизи асосига кўчиришимиз лозим. Белгиланган тадбирларнинг бажарилиши жойлардаги бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ишларини янада яхшилашни талаб этади. Вазифа чорвачиликдаги ишларни юқори даражага кўтариш ва уни пахтачилик даражасига етказиб олишдан иборатдир.

КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини ўзларининг жанговар иш программаси деб билаётган меҳнатсеварларимиз халқимиз дастурхонини бундан буён ҳам чорвачилик маҳсулотларига тўкин-сочин қилиш йўлида куч-ғайратларини аямайдилар. Зеро бу ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**М. ЖУМАНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Компартияси Урганч район комитетининг биринчи секретари.**

**КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этаётган Дўстлик районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози чорвадорлари юбилей йилида юксак мажбуриятлар қабул қилишган. Улар гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотларини янада кўпроқ етиштириш учун ҳар қачонгидан ҳам кўра унумлироқ меҳнат қилишга интилмоқдалар.**

**Суратларда: 1. Бош зоотехник Аброр Тўраев (ўртада) ферма мудири, коммунист Турдигул Тўрақулова ва илғор молбоқар, ВЛКСМ аъзоси Низом Ибрагимовлар, билан суҳбатлашмоқда. 2. Рацион асосида парвариш қилинаётган маҳсулдор сигирлар.**

Б. Норқулов фотолари.

# ЯЙЛОВЛАР ИМКОНИЯТИ

### ҚОРАКЎЛЧИЛИГИМИЗНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

Ёз тафтида қизиган худудсиз яйловларда элимизнинг минг-минглаб қўй-эчкилари боқилиб, кўплаб лаззатли гўшт, ипакдек майин жун, ноёб қоракўл тери етиштирилмоқда. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз маъмурчиликнинг манбаи бўлган кўз илғамас яйловлардан янада самарали фойдаланиш, чорвачиликнинг қимматли тармоқларидан бири—қўйчиликни ривожлантиришга тобора кўпроқ эътибор бермоқда. ПСС Марказий Комитетининг май Пленумида бу соҳани янада юксалтириш қатъий таъкидланганлиги бежиз эмас.

Самарқанд области қоракўлчилари кўп йиллардан буён қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Бугунги кун талаби —қоракўлчиликни ихтисослаштириш ва агросаноат интеграцияси негизида концентрациялаш муваффақиятли амалга оширилмоқда. Қоракўл терининг тури ва рангига кўра етти хўжалик —қора, уч хўжалик —кўк, икки хўжалик —сур ва бир хўжалик оқ қоракўл қўйларини кўпайтиришга ихтисослаштирилган. Каттақўрғонда ташкил этилган қўйларни бўрдоқига боқиб, қоракўлча етиштирувчи хўжалик муваффақиятли иш олиб бораётир.

Советобод районидаги «Қарноб» давлат наслчилик заводида мамлакатимиз қоракўлчилигида биринчи бўлиб атрофи ўралган маданий яйловлардан фойдаланишга ўтилди. Бу технологиянинг жорий этилиши натижасида яйловлар самарадорлиги бир ярим бараварга ошди, меҳнат унумдорлиги икки бараварга кўпайди. Минглаб гектар майдонларда изензор, саксовулзор, қийровуқ, терескен плантациялари барпо этилаётир.

«Узглавкаракульпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси системасидаги совхозлар КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленуми қарорларидан қоракўлчилар учун келиб чиқадиган вазифаларни чуқур ҳис қилиб самарали меҳнат қилмоқдалар. Ютуқлар эса салмоқли бўлмоқда. Жумладан, ўтган олти ой мобайнида давлатга пландагидан анча кўп — 18210 тонна қўй гўшти топширилди. Қоракўл тери, жун тайёрлаш планлари ҳам ошириб адо этилди. Тармоқни ихтисослаштириш ва агросаноат интеграцияси негизида концентрациялаш жараёни тезкор суръатларда олиб борилиши натижасида ҳозирги пайтда қоракўл қўйларнинг 90 проценти ихтисослашган совхозларда жамлангандир. Шу йил июль ойининг ўрталарида Самарқандда ана шу хўжаликларнинг вакиллари қоракўлчиларнинг республика актив йиғилишига тўпланишди. Биз ушбу мақолада мазкур йиғилишда кўтарилган масалалар хусусида батафсил сўз юритмоқчимиз.

Шу ўринда «Узглавкаракульпром»нинг қўйчиликни янада юксалтиришга қаратилган ташаббусини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаганини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ишлаб чиқилган тадбирларга кўра, қўйлар 1985 йилга келиб 5 миллион бошга етказилади. Гўшт тайёрлаш ҳажми янада ошади, бўрдоқига боқилган ҳар бир қўйнинг тирик вазни ўртача 50 килограммга етади. Мазкур беш йилликда 350 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилади, озуқа таъминотини яхшилаш мақсадида 11 та ем-хашак тайёрловчи совхоз тузилади, янги ерлар ўзлаштириш ва яйловлар унумдорлигини ошириш жадал суръатларда давом эттирилади.

Хуллас ният катта. Қоракўлчилар улкан ниятга яраша меҳнат қилаётир.

—Яйловларимизда айни кунларда 60200 бош қоракўл қўй боқилмоқда, — дейди Навоий область Нурота районидаги «Қизилча» совхозининг директори Мирзон Нурбоев. —Бу 1982 йил планидагидан 6220 бош кўпдир.

Қурғоқчилик туфайли бу йил яйловларимизда ўтлар жуда кам. Совхозимиз меҳнат аҳли мураккаб шароитни ҳисобга олган ҳолда қишловга пухта тайёргарлик кўраётирлар. Озуқа жамғаришга алоҳида эътибор беряпмиз. Айдаркўл ёқаларидан ва Ўртачўл массивидан қамиш, янтоқ ҳамда озуқабоп бошқа буталарни кўплаб йиғиштириб оляпмиз. Уларнинг барчаси махсус агрегатларда майдаланиб, кунига ўртача 7—8 тоннадан донадор озуқа тайёрланаётир. Барча имкониятларни ишга солиб, қишловга етадиган миқдорда озуқа жамғаришга қарор қилганмиз.

Яйловлар унумдорлигини ошириш доимо эътиборимизда. Ҳозиргача 4 минг гектар майдонда изензор ва минг гектар ерда саксовулзор барпо этдик. Шулар туфайли ҳам об-ҳавонинг қандай келишидан қатъий назар, чорванинг озуқага эҳтиёжини тўла қондириш имкониятига эгамиз.

Жиззах область Фориш районидаги Карл Маркс номли совхознинг бош чўпони Қобил Олқоров йигирма беш йилдирки, сурув ҳайдайди. У яйловда катта ҳаёт мактабини ўтади, чорвачиликнинг аччиғини ҳам, чучигини ҳам татиб кўрди, кўксини қаҳрамонлик юлдузи безади. Ўнинчи беш йилликда мутасил ҳар 100 бош совлиқдан йилига ўртача 200 тадан ошириб қўзи олди. Бу йил эса мазкур рақам 230 тани ташкил этди, тайёрланган жуннинг 95 проценти аъло навларга қабул қилинди. Демак, моҳир қоракўлчининг кўпчиликка айтадиган салмоқли сўзи, ўртоқлашишга арзигулик қимматли тажрибаси бор.

—Қўйингиз семиз бўлса, кўзланган маррани албатта эгаллайсиз, —деди донгдор чўпон ўз сўзида. —Қочириш ҳам яхши ўтади, қишловдан ҳам омон чиқасиз, тўл ҳам яхши тушади. Мен бунга иш тажрибамда тўла ишонч ҳосил қилганман. Шунинг учун ҳам бутун ёз ва куз бўйи қўйларни яйловда яйратиб боқишга алоҳида эътибор берамиз. Олдимизда масъулиятли қочириш кампанияси турибди. Ҳозир унга пухта тайёргарлик кўряпмиз. Қочиришни нисбатан қисқа муддатда —15—16 кунда тугаллаймиз. Бу эса ўз навбатида қўзилатиш кампаниясининг қисқа вақтда уюшқоқлик билан ўтишига олиб келади.

Қашқадарё область Баҳористон районидаги «Ўзбекистон» заводининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Рустамов, қоракўлчилик совхозлари Қорақалпоғистон Автоном республика тресті директори К. Есназаров, Тошкент область Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоз директори А. Бакиров ва бошқалар ҳам ўз коллективларида амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида гапириб, фикр ва мулоҳаза билдирдилар.

Қоракўлчиликдаги мавжуд нуқсонлар, ҳал этилиши лозим бўлган проблемалар чекланмаган имкониятлар хусусида йиғилишда жиддий сўз борди. Жумладан, ҳали республиканинг кўпгина хўжаликларида яйловлар маҳсулдорлигини оширишга етарли аҳамият берилмаётганлиги, янги изензорлар, саксовулзорлар нисбатан кам барпо этилаётганлиги танқид қилинди. Яйловларга сув чиқариш, шу йўл билан маданий ўтлоқлар, бедазорлар яратиш суст олиб борилаётганлиги таъкидланди. Баъзи хўжаликларнинг қўйлар туёқ сонини ўстиришга етарли аҳамият бермаётганлиги, айниқса урғочи қўзиларни кам ўстиришга қолдираётганлиги қаттиқ танқид қилинди. Чорвадорларнинг маданий-маиший шароитларини янада яхшилаш зарурлиги уқтирилди. Хуллас, қоракўлчиликни СССРнинг Озиқ-овқат программаси талаблари даражасига кўтариш юзасидан қизғин фикрлашилди. Чорвадорлар яйловлар имкониятидан янада самарали фойдаланиш мумкин деган хулосага келишди.

**М. ЭРАЛИЕВ.**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

# ҲОСИЛ ЖОНКУЯРЛАРИ

«Москва» колхози — Чортоқ районидаги йирик хўжаликлардан бири. Колхоз пахтакорлари бу йил 700 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ингичка толали пахта етиштириш учун курашмоқдалар. Бундай сафар осонликча қўлга киритилмайди, албатта. Буни яхши билган хўжалик меҳнаткашлари, механизатор ва миришкор сувчилари бир ёқадан бош чиқариб, ғўза парваришини кун сайин авж олдирмоқдалар. Августнинг ғаниймат дамларидан унумли фойдаланилаяпти. Ҳозирда колхоз далаларида ғўзаларни чеканка қилиш қизғин.

Асаднинг жазирама кунларида ғўзани чанқатиб қўймаслик ҳосилга-ҳосил қўшишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам О. Мўлабоев, Б. Мўминов, Ю. Валиев, Н. Ҳамроев каби тажрибали сувчилар ниҳолларни оби-ҳаётга қондириш билан бирга ўз касбларини ёшларга ўргатиб келяптилар.

— Тажрибали деҳқон асло ғўзанинг бўйига маҳлиё бўлмайди, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Холмуҳаммад Ғайбуллаев. — Ишнинг муваффақияти даставвал қилинган меҳнатга боғлиқ. Меҳнатнинг самарали бўлиши учун ҳамма шароитлар яратилган. Дала шийпонлари шинам безатилган. Унумли меҳнатга чорловчи шиорлар кўзга ташланиб туради. Овқатланиш учун махсус жой жиҳозланган. Бу ерга ҳар куни газета-журналларнинг янги сонлари келтирилади.

Хўжаликда ғўза парвариши билан бирга пахта йиғим-теримига ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Ремонтчилар мавжуд терим агрегатларини сифатли ремонтдан чиқариб мавсумга шайлаб қўйдилар. Бир сўз билан айтганда, колхоз меҳнаткашлари йиғим-терим кампаниясига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрган ҳолда келмоқдалар.

**Д. ЮСУПОВА.**

# ТОЛИМАРЖОН НУРХОНАСИ

## *БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОР ҚУРИЛИШЛАРИДА*

Қарши дашти бугунги кунда поёнсиз пахтазорлари ва сўлим боғлари, янги қишлоқ ва районлари, чаманзорлари билангина эмас, зарбдор суръатда бунёд этилаётган қатор саноат объектлари — пахта тозалаш заводлари, улкан нурхона ва сув омборлари, янги замонавий шаҳарлари билан ҳам мамлакатимиз қудратини, халқимиз фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этадиган йирик иқтисодий районга айланиб бормоқда. Соатига 3 миллион 200 минг киловатт электр-энергияси ишлаб чиқарадиган Толимаржон ГРЭСи ана шундай улкан қурилишлардан биридир. Газда ишлайдиган турдош корхоналар орасида Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган бу улкан нурхона қурилишини СССР энергетика министрлигига қарашли «Узбекгидроэнергострой» трестининг Муборакдаги механизациялашган кўчма колоннаси бош пудратчилигида ўнлаб қурилиш ташкилотлари қурувчилари бунёд этишмоқда.

...Толимаржон нурхонаси Қарши даштининг қоқ ўртасида асрий чўлнинг поёнсиз кенгликларини, қир-адирларини кумуш камардек кесиб ўтган Қарши магистрал каналининг шундайгина ўнг соҳилида қад кўтаряпти. Қарши—Амударё автомагистрали бўйлаб Амударё томон бораверишда, Нишон ва Толимаржон шаҳарлари оралиғида — «Ойдин» ва «Нуристон» пахта қабул қилиш пунктларидан ўтгач, «Бу ерда Толимаржон ГРЭСи қуриляпти» деган улкан ёзув тахтасига кўзингиз тушади. Дарвоқе чўлдаги, Толимаржон районидаги янги пахта қабул қилиш пункти ҳам улкан нурхона шарафига «Нуристон» деб номланганини кўриб бунёдкор чўлқуварларнинг орзу-умидлари нечоғлик улканлиги, нурафшонлигини ҳис этасиз.

— Биз янги нурхона шарафига унинг яқинида бунёд этиладиган Толимаржон райони марказини ҳам «Нуристон» шаҳарчаси деб номладик, — дейди Толимаржон район ижроия комитетининг раиси Бекмурод Имомов. — Аслида район маркази қурилиши учун ҳам ГРЭС ёнидаги энергетиклар шаҳарчаси ёнини, яъни Қарши магистрал каналининг чап соҳилини танладик.

Автомагистралдан шарқ томонга олти километрча юрилгач, кўз ўнгимизда мавжланиб оқаётган Қарши магистрал канали ва унинг икки соҳилида кўкка бўй чўзаётган улкан қурилишлар намоён бўлди. Толимаржон ГРЭСида қурилиш ишлари миқёси жуда улкан. Бу ерда сунъий дарёнинг икки соҳилида ҳали бажариладиган ишлар кўлами шу қадар каттаки, уни ГРЭС, энергетиклар шаҳарчаси, Нуристон шаҳри қурилиши лойиҳасига қарабгина тўла тасаввур этиш мумкин. Шунинг учун ҳам Толимаржон ГРЭСи қурилиши бўйича участка бошлиғи Раҳматулла Бурхонов бизни қурилиш штабининг улкан залига катта-катта планшетларга осиб қўйилган лойиҳа ёнига бошлади. Йилига 18,7 миллиард киловатт электр-энергияси ишлаб чиқарадиган нурхона қурилиши учун умумий миқдорда беш юз миллион сўмликка яқин капитал маблағ ажратилган. Шўртан газ комплексидан қувурлар орқали келадиган ёқилғи билан ишловчи ГРЭСнинг ҳар бир энергия блоки 800 минг киловатт соат электр-энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Босқичма-босқич тўртта яна шундай блок қурилади.

ГРЭС қурилишида беш мингта яқин киши иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Ҳар бир блок қурилишининг ўзи мураккаб иш жараёнларини тақозо этади. Энергетика комплекси бир нечта ишлаб чиқариш корхоналарини ўз ичига олиб, уларнинг ҳаммаси нурхона арзон электр-энергияси ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Нурхона қурилишида «Узбекэлектросельстрой» трестининг 9- ва 48-механизациялашган колонналари, Қашқадарё область автомобиль трестига қарашли 88, 35, 92-автобазалар ҳайдовчилари ҳам фаол ишлашяпти.

—Толимаржон нурхонаси қурилиши бошлангандан буён икки ярим миллион сўмликка яқин бош пудрат ишлари амалга оширилди, — дейди участка бошлиғи. — Қурилишда иштирок этадиган бунёдкорлар учун ҳар бири 56 квартирали тўртта турар-жой биноси қурилиши олиб борилмоқда. Келгусида бу уйлар яқинида мактаб ва болалар боғчалари қурилади, хиёбонлар ташкил этилиб, у энергетиклар шаҳарчасига асос солади. Муборакдаги механизациялашган кўчма колонна қурувчилари олис жойлардан қатнаб ишлаётганликларига қарамай, қисқа вақт мобайнида бу ерда ГРЭС қурилиши базаси учун кенг миқёсда шарт-шароит яратишди. Машиналар учун ремонт устахонаси, материалларни қабул қилиш омбори, ёрдамчи бинолар, бетон заводи қурилишларида кенг ҳажмда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Цемент склади, машина механизмлар учун профилактика устахонаси, 50 ўринли ошхона, ишчилар учун қуриб битказилган ётоқхоналар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари 305-махсус механизациялашган поезд «Узбекгидроэнергострой» трестининг механизациялашган ишлар бошқармаси қисқа муддатлар ичида улкан нурхона қурилишини 153-разъезд билан боғловчи 4,5 километрлик темир йўл ётқизиб бўлишди. Чунки нурхона қурилиши учун ишлатиладиган ноёб механизм ва ускуналар корхонага ана шу темир йўл орқали келтирилади. Қурилишни мунтазам электр-энергияси билан таъминлаш учун электр подстанцияси қурилди. Кўчма колоннанинг Р. Жумаев, И. Одилов, Р. Мўминов каби моҳир қурувчилари мураккаб шароитларда катта ташаббускорлик кўрсатиб ишладилар. ГРЭС қурилишида қудратли МАЗлар, КРАЗлар ҳайдовчиларининг ҳам ҳиссаси айниқса катта бўлмоқда. Эргаш Неъматов, раҳбарлигидаги автоколоннанинг Ш. Сувонов, Р. Раҳмонов, Р. Абдураҳмонов каби ҳайдовчилари мазкур объектлар қурилишида катта ташаббус кўрсатиб ишлашмоқда.

Улкан қурилиш ишлари кун сайин авж олмоқда. Аммо ҳали олдинда ишлар жуда кўп. Нурхона қурилишига жуда кўплаб ишчилар керак. Уларни бу ерга кўпроқ жалб этмоқ учун ишчилар учун ётоқхоналар ва турар жойларни янада кўпайтириш, болалар боғчалари, мактаб каби зарур объектларни тезроқ қуришни амалга ошириш тақозо этилади. Ҳозирча бу проблемалар кун тартибидаги муҳим муаммолардан бири бўлиб қолаётганлиги учун ҳам нурхона қурилишида меҳнат қилаётган ишчиларнинг кўпчилиги олис жойлардан қатнаб ишлашяпти. Бу йил нурхона ва унинг қурилишида ишловчи бунёдкорлар шаҳарчаси қурилишида катта ҳажмда ишларни бажариш белгиланган. Жумладан Нурхона энергетиклари посёлкаси ва Нуристон шаҳарчаси қурилиши бўйича лойиҳалаш ишларини амалга ошираётган Тошкентдаги «УзНИИПродстроительства» институти меъморлари яратган кўркам лойиҳалар асосида янги уй-жойлар, бошқа қатор объектлар қурилиши авж олдириб юборилди.

...Чўлдаги ҳар бир манзил, ҳар бир жойнинг ўз номи, тарихи бор. Нуристон шаҳарчаси, Ўрта Осиёда энг йирик Нурхона бунёд этилаётган Қарши даштининг қоқ ўртасидаги бу жой илгарилари чўл оҳулари —жайронлар кезиб юрган бийдай дашт бўлганлиги учун ҳам уни Жайрон деб аташарди. Бу ерга яқин жойдаги темир йўл разъездида истиқомат қилаётганлар турар жойи ҳозир ҳам шу ном билан аталади. Қадимий карвонлар йўлида бунёд этилаётган улкан нурхона ва Толимаржон районининг келгуси маркази Нуристон деб аталгани ҳам бежиз эмас. Дарвоқе, Жайрон ва Нуристон номлари бунёдкор халқимизнинг нурафшон орзу-умидлари йўлида амалга ошираётган бунёдкорлик ишларининг рамзий белгилари ҳамдир. Жайронлар кезиб юрган чўлдаги нуристон шаҳарлар халқимиз амалга ошираётган улуғ режаларнинг нурли манзилларига ўхшайди.

**М. АБДУЛЛАЕВ.**

# ХУШХАБАРЛАР

⊙ Янгиқўрғон районидаги «Нанай» совхозининг қуёнчилик фермасида янги жониворлар пайдо бўлди. Бу ерда нутрия етиштирила бошланди. Жониворларни парвариш қилиш хўжаликнинг тажрибали қуёнбоқари Т. Камолиддиновга топширилди. Собиқ педагог ўн йил муқаддам пенсияга чиққанидан кейин совхозда қуёнчилик фермасини ташкил этган эди. Ҳозир совхознинг қуёнчилик фермасида 3600 га яқин жониворлар боқилмоқда. Совхоз фермасидан райондаги даволаш муассасалари ва мактабгача тарбия муассасаларига беш тоннага яқин қуён гўшти етказиб берилмоқда.

⊙ Чуст районида, оппоқ қор билан қопланган Тянь-Шань тоғи этакларида барпо этилаётган Варзик сув омбори косасидан дастлабки кубметр тупроқ қазиб чиқарилди. Бўлғуси денгиз 24 миллион кубметрдан кўпроқ сувни ўз бағрига олади. Бу эса районнинг тоғ этаги зонасида ҳайдаладиган 1700 гектар майдонни сув билан таъминлашни яхшилайди, шунингдек адир ерларда янгидан ўзлаштирилган 700 гектар майдонни суғориш имконини беради.

# КЕКСАЛИККА ЁН БЕРМАЙ...

ОЧЕРК

Қодирали ака ҳамишагидек ишдан анча кеч қайтди. У кейинги пайтларда ўзида ҳорғинлик сеза бошлаганди. Аммо хотини бу сафар Қодирали аканинг кўзларидан қандайдир тантанали-ғамгин кайфиятни уқди, бу ҳолат эрига бир йилда бир марта —9 Май куни бўларди. «Нима бўлди, тоби қочдимикан?» —деган хаёлга борди у. Бироқ, эрига тамадди тайёрлаши эсига тушиб, ошхонага ошиқди.

—Менга қара, —деди хотинини тўхтатиб. Сўнгра чўнтагидан ял-янги пенсия дафтарчасини чиқариб, кулди ва ғамгин оҳангда деди: —Мана шуни беришди... Ишлар шунақа... Аниқроғи, энди бизга ишнинг ўзи йўқ.. Техникани топшираман ва.. .

—Жудаям яхши бўлибди! —хурсанд бўлиб деди хотини. —Уруш инвалидларига эллик беш ёшдан пенсия бериш керак, демак, шундай қилишибди. Болаларимиз ўзига тинч, биз иккаламиз пенсияда яшайверамиз.

Агар хотини бўлмаса, ким унга парвона бўлади? Навқирон йиллар ортда қолди, жанглардаги жароҳатлар ҳам, ўз асоратини кўрсатяпти. Унинг вазифаси — колхоз бош инженери, —айтилишига кўра раҳбарий лавозим. Аслида эса кунига асаблар синови.. Пахта терими пайти ёки шудгор мавсумида кечалари ҳам уйга келмайди.

—Бир кунимизни кўрармиз, —эр чуқур хўрсиниш билан хотинининг фикрига қўшилди. Эндигина дастурхонни ёзай деб турган хотинини яна тўхтатиб қолди.

—Керак эмас овқатланиш бир гап бўлар. Бор, дамингни ол. —Сўнг елкасидан оҳиста ушлаб қўйди. —Бор, борақол,

Негадир шу дамларда яқинда мактабда ўқувчилар билан учрашгани, аниқроғи, унга савол берган сўзамол бола эсига тушиб кетди. Ўшанда у бола: «Сиз одам ўз олдига катта мақсад қўйиши керак ва унга эришиш учун интилиши лозим, дедингиз. Ўша мақсадга эришдим, деб қачон айтиш мумкин?» «Билмадим, бу ҳақда ўйламаган эканман.. Менимча, ҳеч қачон инсоннинг орзулари тугамаса керак», деб жавоб берди Қодирали ака.

Жуда тўғри: ҳаёт олдинга кетгани каби орзу-ўйлар, мақсадлар бир жойда туриб қолмайди. Лекин ҳозир эса айтилганларга баъзи қўшимчалар қилган бўларди. Йўқ, савол берган йигитчага эмас, ўзига-ўзи қўшимча қиларди: «Ёшлик ва етукликдан сўнг қариликнинг келиши муқаррар, пойганинг олдида юрган от ортда қолишини тан олишга мажбурсан. Шундай қилиб, катта сержант Усмонов, сафни бузмай, четга чиқ!»

Шундайликка шундайку-я, аммо одамга алам қиларкан... Кенигсбергдаги сўнгги жангдагидан баттарроқ алам қиларкан. Рота олдинга интилар, у эса ярадор бўлиб, ўзини оғир сезарди. Олдинда қувончли «ура» садолари, у эса кўзлари тиниб. «Ҳамма кетди, мен қолдим», деган ўйда эди. Аммо унда умид бор эди. учинчи бор госпиталда ётиб, сафдаги йигитларга етиб олиши мумкинлигини намойиш қилганди..

Хотини ҳам бедор эди. Қодирали ака буни сезиб ётарди. Шунда хотинининг эсига нимадир тушди:

—Райкомдан қўнғироқ қилишди... Сал бўлмаса эсимдан чиқаёзибди!.. Эрталаб унга бораркансиз. Таклиф қилишяпти.

—Таклиф қилишяпти? —қайта сўради у.

—Ҳа, шундай. «Биринчи секретарь таклиф қиляпти, деб айтинг», —дейишди.

—Таклиф қилишади, —бу сўзни ҳасрат билан такрорлади у. «Мана, энди қарилик бошланди, бундан буён райкомга чақиришмайди, балки таклиф қилишади».

Ўша кечаси Қодирали ака ухламасдан тонг оттирди. У қалашиб келган хотираларидан қочиб қутулолмасди. Қайта-қайта ўтган умрининг орқасига назар ташлаш ҳам балки қарилик белгисидир. Йўқ, уруш йилларига назар ташлаш —бу жанговар дўстларга садоқат. серташвиш ёшликка яқинлик белгиси.

...Катта сержант Усмонов Ғалаба кунини госпиталда, қўлтиқтаёқда кутиб олди. Унинг ёнидаги кароватда ётган мажруҳ танкчи: «Эҳ, дўстларим, ғалаба—бу жуда ажойиб, ишлаш эса —янаям яхши! Уйларингга қайтгач, машиналар яратасиз, уйлар қуриб, боғлар бунёд қиласизлар. Ўз қўлларингиз билан эзгу ҳаётни қурасизлар —бу сизларнинг чинакам саодатингиз. Мен буни бутун уруш бўйи орзу қилгандим. Эҳ йигитлар!» —деб қўяр ва боғланган ярасига назар ташларди.

Қодирали ўшанда сувсизликдан қақроқ Марказий Фарғонанинг шундоқ чегарасида жойлашган қадрдон қишлоғи Холдевонбекка қўлтиқтаёқда қайтди. Колхоз уруш йиллари камбағаллашиб қолган, ўтиб бўлмас қалин тўқайлар гўё пахта далаларига «юриш» қилгандек эди. Урушдан сўнгги дам олиш қаёкда дейсиз? Ишчи қўллар керак! Саккизинчи синфни битиргани учун уни табелчиликка тайинлашди.

Бир куни идорага МТСнинг кекса механиги Шеров кириб қолди. У бир йигитнинг солдатлик гимнастёркасига, бир қалашиб ётган қоғозларга қараб, деди: «Ўғлим, бу иш сенбоп эмас. Трактор ҳайдашни ўргана қол. Андижонга ўқишга юборамиз... Қоғозларни йиғиштир, кетдик!»

Шундай қилиб, унинг тақдир йўли ҳал қилинган эди. У йиллари соғлом йигитларнинг идорада ўтириши таомилга кирмаганди. Ҳозир баъзан магазин пештахталари ортида тоғин урса талқон қилгудек йигитлар конфетни қоғозга ўраётганини кўриш мумкин.

Курсни битиргач, бригада механиги бўлди. МТСлар тугатилгандан сўнг колхозда инженер бўлди. Бу касбнинг таътили йўқ. Қишда ҳамма дам олса, механизаторларда ремонт қизийди. Бошқа вақтлари ҳам шундай. Масалан, сувчи ишни тугатдими, уйга бориб дам олиши мумкин. Механизатор трактори тўхтаса ҳам унинг ўзи тинмайди, агрегатнинг нуқсонини қидиради. Колхоз инженери унинг ёнида доим.

...Эндиликда ҳамма яхши билади: МТСларни қайта тузиш ўзини оқламади. Трактор ва машиналарни колхозларга ўтказиб тўғри қилишди: ер ҳам, техника ҳам бир қўлда бўлади. Аммо ремонт базаси ва эҳтиёт қисмларни «Сельхозтехника» тасарруфига бериб қўйиш — ердан олинган ҳосилдан моддий манфаатдор бўлмаганлар иш юритиши у қадар тўғри эмас. Қўлингда сариқ чақалик эҳтиёт қисм йўқми — тракторни ремонтга ҳайда. Ремонт ҳам қўлдан кетгунча, эгасига етгунча қабилида қилинади. Механизаторлар учун —азоб колхоз учун эса —фондни беҳудага сарфлаш. Оқибат натижада —ҳосилга ва унинг яратувчиларига зарар етказилади.

Бўздаги Тельман номли колхоз бош инженери 60-йилларнинг ўрталаридаёқ биринчилардан бўлиб «Сельхозтехника»га ишон, лекин ўз ишингга пухта бўл, деган сўзнинг маъносига тушунди. У буни колхоз правлениеси аъзоларига тушунтира олди ва устахона, гараж, бостирмалар қурилишини авж олдирди. Бунинг учун оз маблағ кетмади, аммо у кўп ўтмай қопланди. Биринчидан, техника тобора кам бекор турди, демак, барча агротехника тадбирлари ўз вақтида бажарилиб, ҳосил чўғи кўпайди. Иккинчидан, ремонт ҳаражатлари икки баравар камайди, бу ҳар йили ўн минглаб сўм маблағни тежади. Ва учинчидан, механизаторлар ўзларини бечора илтимосчи эмас, балки ишнинг хўжайинлари сифатида ҳис қилдилар.

Колхозда яхши ремонт базаси, турли дастгоҳлар бўлса, техникани такомиллаштириш ғояси ўз-ўзидан келавераркан. Қодиралининг ўзи бу борада тиниб-тинчимас одам бўлганлиги учун бошқаларни ҳам ўйлашга ундарди.

Бу ерга техникадан фойдаланиш тажрибасини ўргангани турли жойлардан келиб туришади. Юқоридан келган баъзи раҳбар ходимлар ишонқирамагандек: «Бу қанақаси бўлди, бу ишларнинг ҳаммаси «Сельхозтехника»нинг зиммасида-ку, ўзлари қандай удда қилишяпти экан?!» деб қўйишарди. Кейинроқ Қодирали ака Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» китобида қишлоқ хўжалигимизда ҳар хил «тавсиянома»ларни тиқиштираверишни —энг хавфли душман, деб ёзилганини ўқиди. Бу унинг дилидаги сўз эди.

Ўша оғир шароитларда оддий колхоз инженери ўз сўзини ўтказиши қийин эди. Гарчи Қодирали Усмоновнинг ўнлаб рационализаторлик таклифи ҳақида гувоҳномалари бўлса-да, баъзи шубҳачилар унинг дипломсиз эканлигига ишора қилишарди...

Қодирали ака деразага қаради —атроф ёришиб борарди. Соат ўнда райкомга бориши кераклиги эсига тушди. Шунда бирдан пенсия дафтарчаси кўзга ташланиб, кўнгли ўртаниб кетди. Аммо бирдан хаёлига «Мен—коммунистман, партия Уставида пенсия дафтарчаси коммунистни ўз бурчидан озод этади, деб ёзилмаган» деган сўзлар келди.

—Етиб уйқунгиз келмадими? —сўради хотини. —Овқатдан татиб ҳам кўрмабсиз. Тобингиз қочганлигини билгандим.

— Соппа-соғман, хотин!.. —деди у. Тезда соқолини қиртишлаб, пиёлада совуб қолган чойни хўплади, шошиб, райком сари йўл олди.

—Сизга бир илтимосимиз бор, Қодирали ака,—деб сўз бошлади райкомнинг биринчи секретари. —Илтимос, шундан иборатки...

Ана шу икки бор такрорланган «илтимос» деган сўз кекса солдат ва коммунистни тутиб туролмади.

—Мен илтимос-пилтимосни билмайман, бунақа сўзларни эшитишга тобим йўқ. Ахир мен жанг кўрганман. Жангда эса фақат «керак, «шарт» деган сўзлар ишлатилади. Керак бўлса, жонни фидо қиламиз. Мен ўзимни аямайман —мен солдатман.

Райком секретари эса «тўғри, жуда тўғри», деб унинг сўзларини мийиғида кулиб тасдиқларди:

— Ҳалиям йигитлигингиз бор. Демак, келишдик-а?— деди у.

—Нимага? — тушунмади Қодирали ака.

—Ростдан ҳам, нимага!— кулиб юборди секретарь. — Сизни нега чақирганимни айтмадим-ку... Гап бундай. Энгельс номли колхозга Умар Ҳакимов янги раис бўлиб сайланди. Аммо у, сиз хўжаликда инженерлик хизматига бошчилик қилсангиз рози бўламан, деб шарт қўйди. Бунга нима дейсиз?..

Мана сизга, кутилмаган бурилиш!

У Тельман номли колхозда йигирма йилдан кўп ишлади, бу ерда жанговар мукофотлари қаторига меҳнат туфайли орден ва медаллар қўшилди... Қадрдон колхоз— бу қадрдон батальон ёки полк экан. Лекин Қодирали ака «Ён қўшнинг — жон қўшнинг» деган сўзга амал қиларди. Энгельс номли колхозда техника билан ишлаш дуруст эмас, ҳаммасини бош қатдан бошлашга тўғри келади.

Райком секретари унинг фикрини илғагандек бошини қимирлатди. Қодирали ҳам буни сўзсиз тушунди.

...Ўтган йили ғўза парвариши даврида биз у билан янги колхозда учрашдик. У далада меҳмонларни: хўжаликларнинг бош инженерлари, «Сельхозтехника» район бирлашмаси мутахассисларини кутиб олди. Уларга ўз ғояси асосида қилинган ишларни кўрсатди.

Колхоз бош инженери меҳмонларни янги қурилишга олиб ўтди. Бу—кенг устахона, гараж, техника сақланадиган бостирмалар эди.

—Яқинда текширувчилар келиб-кетди, —деб ҳикоя қилади Қодирали ака. —Улар: «Нега хизматини ўтаб бўлган техникани ҳисобдан чиқармайсиз, янгисига буюртма бермайсиз», деб сўраб қолишди. Ростдан ҳам икки йилдан буён шундай қиляпмиз. Нега энди, эски техника яроқли бўлса, уни ҳисобдан чиқарарканмиз. Ахир, ҳозир экономика тежамли бўлиши керак, деган шиор хўжаликни юритиш қонуни бўлган-ку!

Хуллас, кекса солдат ҳамон сафда! Бўз районининг бултурги якунлари ифодаланган маълумотга назар ташлайман. Ўтган йили бўзликлар учун оғир бўлди. Кўпгина хўжаликлар ҳосилдорликни пасайтириб юборишди —Энгельс номли колхоз эса 42 центнерлик кўрсаткични ушлаб қолди. Бошқа соҳалаги кўрсаткичлар ҳам чакки эмас.

—Бу йил янаям яхши бўлади. —деб ишонтиради Қодирали ака. —Колхозда ўзимиз тайёрлаётган ёш механизаторлар далага чиқишади. Уларга ишонса бўлади!

У ҳамиша бўлганидек, асосан одамларга ва техникага таянади. Жудаям тўғри қилади: машиналар соз бўлса, унда ишлаётган одамлар ўз ишини билса, мўл ҳосил ўз-ўзидан келаверади.

**Николай АЛЕЕВ.**

**Серқуёш ўлкамизда гарқ пишиқчилик. Шу кунларда азамат бободеҳқонлар бир зум ҳам тиним билмайдилар. Етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш ва ёз неъматлари билан эл-юрт дастурхонини тўкин-сочин қилиш уларнинг эзгу орзусидир.**

**Шу ниятда астойдил меҳнат қилаётган Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхозининг соҳибкорлари бу йил юксак марраларни кўзлаганлар. Янги очилган ерлардан 100 тоннага яқин полиз маҳсулотлари етиштириб бериш уларнинг юбилей йилидаги қалб шиоридир. Айни кунларда ширин-шакар қовун-тарвузларни тезроқ саранжомлаб олиш қизғин давом этмқда.**

**Суратда: тажрибали полизчи Арзибобо Қосимов ва у етиштирган қовун-тарвузлар.**

И. Ҳасанов фотоси.

## ЯНГИ УСУЛ ҚЎЛ КЕЛЯПТИ

Бағдод районидаги «Победа» колхозида ташкил этилган биолабораторияда иш ҳар қачонгидан қизғин. Биолаборатория ходимлари бу ерда трихограмма, габрабракон тайёрлаб, уни ғўза зараркунандаларига қарши курашда қўллаяптилар. Ҳосил кушандаларига қирон келтиришда бу усул ғоят қўл келяпти. Шу билан бирга биологик метод хўжаликка катта самара бермоқда. Ўтган йили кўсак қурти, ўргимчаканага қарши бундай усулда курашилганлиги туфайли 27 минг сўм тежаб қолинганди. Ҳозир колхознинг 1000 гектар пахта майдонига трихограмма ва габробраконлар қўйилиб, ўсимлик зараркунандаларини қиришда самарали фойдаланиляпти.

Шу кеча-кундузда кўсак қуртининг иккинчи авлоди айрим хўжаликларда тарқалганлиги маълум бўляпти. Лаборатория мудири Раҳматулла Халилов бошчилигида 18 нафар кузатувчи зараркунанда ҳашаротларга қарши кураш олиб бормоқда. Айниқса Ҳасанбой Солиев, Ҳайдарали Ғайназаров, Баҳодир Жамолиддиновларнинг ишлари мақтовга лойиқдир.

**М. ЖАМОЛДИНОВ.**

---

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

## ПХР ҲУКУМАТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

БАРШАВА. (ТАСС). ПАП агентлиги хабар қилади: ПХР ҳукумати президиумининг мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда СССР билан ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Мажлис тўғрисидаги ахборотда қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: қардош социалистик мамлакатлар билан ҳар томонлама иқтисодий муносабатлар ҳукумат сиёсатининг асосий йўл-йўриқларидан келиб чиқади ва Польшанинг манфаатларига мос бўлиб тушади. Бу нарса ғарб мамлакатлари ўзларининг сиёсий мақсадларига эришиш учун иқтисодий алоқалардан фойдаланишга уринаётган ҳозирги пайтда жуда яққол тасдиқланади.

Ҳукумат президиуми СССР билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириб борган ҳолда экономика структурасида муҳим ўзгаришлар ясашга, Польшани ғарбга қарам бўлишдан қутқазишга интилиш керак.

**Чехословакия. Хомутоводаги прокат-қувур заводи коллективи Совет Иттифоқи буюртмаларини муваффақиятли бажармоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ корхона СССРга турли диаметрдаги 196 тонна труба етказиб беришни режалаштирган. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг комплекс программасига мувофиқ, завод нефть-газ саноати учун қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, социалистик мамлакатларда қурилаётган атом электр станцияларига, химия саноати корхоналарига маҳсулот етказиб бермоқда. Чет элга экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг қарийб ярмини Совет Иттифоқи олиб турибди. Мазкур корхона ишлаб чиқараётган трубалардан нефть ва газ саноати қурилиши трассаларида, СССРнинг Европа қисмида, Сибирь ва Ўрта Осиё магистралларида фойдаланилмоқда.**

**Суратда: трубаларни занглашга қарши ишловдан ўтказиш пайти.**

**ЧТК—ТАСС фотоси.**

## АГРЕССОРНИНГ БЕДОДЛИГИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Исроил артиллерияси Ғарбий Байрутнинг турли районларини доим тўпга тутмоқда.

Исроилликлар кўп жойи вайрон бўлган шаҳар касалхонасига ва вақтинча касалхоналарга айлантирилган муассасаларга, дипломатик ваколатхоналарнинг биноларига кетма-кет ўқ узмоқдалар. Исроил артиллерия корпусининг қўмондони бригада генерали Мизрахига бу—тасодифий бир ҳолми деб савол берганларида, у, Исроил қўшинлари жўрттага шундай қилмоқдалар, деб жавоб берди. У Исроил телевиденияси орқали эшиттирилган суҳбатида беҳаёлик билан шу гапларни айтди: «Биз тўғри мўлжал олиб, тўпга тутмоқдамиз».

Ливаннинг тинч аҳолисини қириб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Исроил ҳарбийларининг босқинчилик ҳаракатлари Исроилнинг ўзида демократик жамоатчиликни қаттиқ ғазаблантирмоқда. Кеча Тель-Авивда ана шу жиноий ҳуружларга қарши оммавий норозилик митинги бўлди. Намойишда Исроил граждандаридан 5 мингга яқин киши қатнашди. Улар: «Байрутда хунрезлик тўхтатилсин!», «Исроил солдатлари уйларига қайтарилсин!», «Ливан тупроғидаги можаро тинч ва адолатли бартараф қилиниши таъминлансин!», «Фаластин озодлик ташкилоти билан музокаралар бошлансин!», «Исроил — Фаластин: икки халқнинг икки давлати» деган шиорлар остида ҳаракат қилдилар. Бугун Ливандаги урушга қарши норозилик билдирган исроилликларнинг бир группаси Бегин резиденцияси ёнида очлик эълон қилди.

НЬЮ-ЙОРК. «Нью-Йорк таймс» газетаси редакцион мақоласида: «Президент Рейган Исроилнинг Ғарбий Байрутни бўғиб ташлашини тўхтатишини ҳақиқатан ҳам истар экан, шундай қилмаганлигига сабаб нима? деган саволни беради. Ахир, Исроил Американинг ҳарбий ва иқтисодий ёрдамига тамомила қарам-ку. Қўшма Штатлар Исроилнинг бирдан-бир дўсти бўлиб, уни жаҳон жамоатчилигининг дипломатик ҳамда иқтисодий бойкотидан ҳимоя қилаяптику».

Газета ёзади: «Рейган Бегинга йўллаган мактубларида «Азиз Менахемга» деб ёзади ва «Сизнинг дўстингиз Рональддан» деб имзо чекади. Исроил сиёсатдонлари бу мактублар Бегининг Бағдодни бомбардимон қилишдан тортиб Иордан дарёсининг ғарбий соҳилини аннексия қилишгача ҳамма ҳаракатларини сўзсиз қўллаб-қувватлашдан бошқа бир нарса эмас, деб таъкидламоқдалар».

«Нью-Йорк таймс» газетаси Оқ уйда Исроилнинг ҳаракатларини қоралаб кўрқа-писа айтилган гапларнинг самимийлигига шубҳа билан қарайди ва мақоланинг охирида шу сўзларни ёзади: «Рейган Исроил томонидан қилинаётган разил иш учун биргаликда жавобгар бўлишини эҳтимол, истамаётгандир, аммо бу ишнинг қилинмай қолинишини у ҳақиқатан ҳам истармикан?».

## СОВЕТ ТАШАББУСЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

КАТМАНДУ. «Непал халқи СССРнинг изчил тинчликсеварлик сиёсатини қўллаб-қувватламоқда. Ливанда тинч аҳолининг қони тўкилаётган, планетанинг бошқа районларидаги вазият кескинлашган ҳозирги пайтда Совет Иттифоқининг уруш хавфига йўл қўймаслик соҳасида зўр ғайрат билан қилаётган ишлари алоҳида аҳамият касб этади», — деди Непалнинг таниқли жамоат арбоби, профессор Рама Прасада Манандхар. У Непал—Совет дўстлиги уюшмасининг ташаббуси билан бу ерда ўтказилган умуммиллий конференцияда сўзлаган нутқида яна бундай деб таъкидлади: «Мамлакатимизда совет халқининг турмушига, унинг экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ажойиб муваффақиятларига қизиқиш доимо ошиб бормоқда».

## ИРОҚ—ЭРОН ФРОНТИДА

БАҒДОД. Фронтнинг жанубий участкасида Басра шаҳридан шарқроқда Ироқ қўшинлари душманнинг олдинги мудофаа маррасига атака қилиш йўлидаги уринишини қайтардилар ва уни чекинишга мажбур қилдилар, дейилади Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида. Эрон томонидан 52 киши ўлдирилди.

Фронтнинг марказий участкасида кейинги икки кун ичида душманнинг 80 дан кўпроқ солдати қириб ташланди.

ТЕҲРОН. «Ислом революцияси посбонлари» корпуси марказий штабининг маълум қилишича, унинг бўлинмалари Қасри Ширин районида муваффақиятли операция ўтказди. Операция натижасида Қасри Ширин билан Сари Полезохаб ўртасидаги тош йўл назорат қилиб туриладиган стратегик жиҳатдан иккита муҳим тепалик ишғол қилинди. Ҳарбий ҳаракатлар давомида Ироқнинг икки юзга яқин солдати ўлдирилган, бир неча танк ва бронетранспорт яксон қилинган.

## НИКАРАГУАНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

МАНАГУА. Никарагуа Қўшма Штатларсиз Америка давлатлари ташкилотини тузиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайди. Миллий тикланиш ҳукумати раҳбарлик кенгашининг аъзоси Рафаэль Кордова Ривас шундай деди.

Жанубий Атлантикада яқинда бўлиб ўтган можаро давомида Америка давлатлариаро системани қайта тузиш зарурлиги тасдиқланди, деб таъкидлади у. Ўша можаро пайтида Вашингтон Ғарбий Ярим шарга мансуб бўлмаган давлат — Буюк Британиянинг Аргентинага қарши агрессияси тарафини ошкора олиб турди.

## ЭЪТИРОФ ҚИЛИШГА МАЖБУР БЎЛДИЛАР

САН-ФРАНЦИСКО. Рейган маъмуриятининг Сибирь-Ғарбий Европа газ қувури қурилиши учун асбоб-ускуна етказиб беришни тақиқлаб қўйганлиги оқибатида «Америка саноати юз миллионлаб долларни бой берди ва АҚШ билан ўз иттифоқчилари ўртасида низо чиқишига сабаб бўлди». АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси У. Кларк Америка юристлари уюшмасининг Сан-Францискода ўтаётган съездида шундай деб тан олишга мажбур бўлди. «Америка кабинети кўпчилик аъзоларининг ва конгресс аъзоларининг фикрига хилоф равишда, президент Рейганнинг қистови билан мана шундай тақиқлаш жорий этилди», деди сўнгра у.

## МЕКСИКА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

МЕХИКО. Мексика президенти Хосе Лопес Портильо ўз мамлакатининг иқтисодий аҳволи ёмонлашганлиги учун айбни АҚШ зиммасига юклади.

Қўшма Штатлар бераётган банк кредитларининг юқори ҳисоб ставкалари, шунингдек халқаро валюта чайқовчиларининг найранглари Мексиканинг валюта запасларини қуритиб қўймоқда ва миллий пул — песога путур етказмоқда, деди у кабинет аъзолари ҳамда савдо-саноат доиралари ва касаба союз раҳбарлари ҳузурида сўзлаган нутқида.

Пулнинг қадрсизланиши ва девальвация қилинишидан иборат яроқсиз доирага чек қўйиш учун, деди Лопес Портильо, ҳукумат песонинг «тебранувчан» қадрини жорий этишга, хусусий компаниялар бир қанча молларни импорт қилиш вақтида долларни чет элга ўтказишини чеклашга қарор қилди.

## К. ШЕЙСОННИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ДЕҲЛИ. Франция ташқи алоқалар министри Клод Шейсон Вашингтоннинг Совет Иттифоқига сиёсий тазйиқ ўтказиш мақсадида савдо-иқтисодий муносабатлардан фойдаланиш йўлидаги уринишларини танқид қилди.

К. Шейсон Деҳлидаги музокаралар тугагандан кейин бу ердаги матбуот конференциясида сўзлаган нутқида Франция Рейган маъмуриятининг Совет Иттифоқига асбоб-ускуна етказиб беришни тақиқлаш тўғрисидаги талабини қўллаб-қувватламайди, деб айтди. Бу масалада биз билан Қўшма Штатлар ўртасида жиддий ихтилофлар бор, деди министр. Вашингтондагилар СССР билан савдо қилишимиз ёки қилмаслигимизни бизнинг номимиздан ҳал қилиб бера олмайдилар, деб ҳисоблаймиз. Биз Францияда Америка қонунларига мувофиқ эмас, балки Франция қонунларига мувофиқ яшаймиз. Совет Иттифоқи билан тузилган шартномаларнинг бажарилиши Франциянинг ва хусусан шу буюртмаларни бажараётган француз ишчиларининг манфаатларига мос бўлиб тушади. Шу сабабли биз СССРга асбоб-ускуналар етказиб бериш тўғрисида бизнинг компанияларимиз тузган аҳдномаларни бузмоқчи эмасиз. Ғарбий Европада Американинг позициясига қўшила олмайдиган бошқа мамлакатлар ҳам шу позицияда турибдилар, деб уқтириб ўтди К. Шейсон.

## КЕНИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДАЪВАТИ

НАЙРОБИ. Кения президенти Даниэл Арап Мои аҳолига мурожаат этиб, ўтган якшанба куни мамлакатда давлат тўнтариши қилишга уринган ва ҳозир яшириниб олган исёнчиларни қидириб топишда маъмурларга бундан буён ҳам ёрдам беришга даъват қилди.

Кенияда бир ҳафта давомида 1600 га яқин ҳарбий ҳибсга олинди, бу — ҳукуматга қарши ғалаёнга бошчилик қилган мамлакат ҳарбий-ҳаво кучлари шахсий составининг ярмисидан ошади. Исён давомида 129 киши ҳалок бўлганлиги хабар қилинди. Муваффақиятсиз чиққан тўнтаришга уриниш вақтида содир бўлган талон-тарож натижасида, Кения матбуотининг хабар қилишича, 50 миллиондан зиёд Америка доллари миқдорида зиён етказилган.

## ҚЎШМА МАЖЛИС

ТРИПОЛИ. «Фронт ёқаси давлатлари»нинг бошлиқлари билан Жануби-Ғарбий Африка халқ ташкилоти ва Жанубий Африка африкаликлар миллий Конгрессининг раҳбарлари қўшма мажлис ўтказдилар. Мажлисда Африка жанубидаги аҳвол ва Намибия озодлиги курашини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув тамом бўлганидан кейин ўтказилган матбуот конференциясида сўзга чиққан Танзания ташқи ишлар министри Салим А. Салим Намибияга БМТ хавфсизлик кенгашининг 435-резолюцияси қатъий мувофиқ равишда мустақиллик берилиши лозим, деб айтди. У империалист давлатларнинг Намибияни Преториянинг ирқчи режими оккупация қилиб турганлиги тўғрисидаги масалани Куба қўшинлари қисмларининг Анголада туриши билан боғлаш йўлидаги уринишларини кескин рад қилди, чунки Куба қўшинларининг қисмлари мазкур мамлакат қонуний ҳукуматининг илтимоси биноан бу ерда турибди, деди у.

(ТАСС, 9 август).

Тошкент амалий санъат экспериментал ижодий комбинатида турли хил сопол буюмлар кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг ранг-баранг, сержило бўлишида рассомларнинг ҳиссаси катта.

Суратда: комбинат рассомларидан Шоира Шукурова ва Фая Деденевалар тайёр маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда.

В. Сироткин фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ
МАТБУОТ БЮРОСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

# ЁШ АДАБИЁТЧИЛАР СЕМИНАРИ

Бугун Ўзбекистон ёш адабиётчиларининг республика семинари очилади. Семинар Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Маданият министрлиги, Театр жамияти, республика қатор нашриётлари ташаббуси билан ташкил этилган.

Семинар программаси ранг-баранг, қизиқарли тадбирларга бой. Бошловчи ёзувчилар, шоирлар, драматурглар, танқидчилар секция машғулотларида совет адабиётини ривожлантириш проблемаларини муҳокама қиладилар, ёш авторларнинг асарлари улар баҳсига предмет бўлиб хизмат қилади. Ўзбек совет адабиётининг таниқли вакилларидан Зулфия, Уйғун, Саид Аҳмад, Иззат Султон ва бошқа ёзувчилар суҳбатлари ҳам семинар қатнашчиларида қизиқиш туғдириши табиий.

Семинар қатнашчилари музейлар, театрлар, кўргазма залларида бўлишади, «Ташсельмаш», «Миконд» заводлари, Тошкент тўқимачилик комбинати ишчи-хизматчилари билан учрашадилар. Ўзаро кенг фикр алмашув, учрашувлардан олинган бой таассуротлар адабиётимизнинг навқирон авлоди вакилларида янги, қизиқарли мавзу топишлари, ёзилажак асарларига қаҳрамонлар танлашлари билан бирга ёш адабиётчиларимизни ижодий изланишларга илҳомлантириши шубҳасиз.

# ПАРВОЗ

ЖИЗЗАХ САҲРОСИНИ БЎСТОНГА
АЙЛАНТИРАЁТГАН ЁШЛАРГА
БАҒИШЛАЙМАН

**Бургут палапонин кўтариб баланд,**
**Парвозга ташлармиш қуққис, шиддаткор.**
**Ва лекин Ватанда сен ғолиб фарзанд,**
**Мен сенга шеър битдим тенгдошим, илк бор.**

**Илк бор шеърга солдим олов қалбингни**
**Бургутлар шиддатин қолдириб кетган.**
**Илк бор шеърга солдим пок матлабингни**
**Саҳро келажагин кафтида тутган.**
**Сендаги қатъият, мужассам сабот,**
**Покдомон виждонни тараннум этдим.**
**Сени қутлар экан нуроний ҳаёт,**
**Жондошим, боумид қўлингдан тутдим.**
**Қўл тутиб турибман қошингда, аммо,**
**Сенсан Ватанимнинг қалбига кўзгу,**
**Хурсану Холбиби, Тўлан, Зулайҳо,**
**Бунёдкор сафингда бўлмоқдир орзу.**
**Ғолиб қаторингда турсам ёнма-ён**
**Гўё чўл бургутин бир палапони.**
**Сафингда мени ҳам қутласа шодон,**
**Жиззах саҳросининг мирзо Бўстони.**
**Ахир бошинг узра қутламоқда, боқ**
**Мағрур Олимжоннинг мангу суймоси.**
**Меҳрингдан тобланган мана шу тупроқ**
**Билсанг, бошинда тож—доҳий имзоси.**
**Бургут палапони майли учсин соз,**
**Кузғунлар юрагин ёрсин овози.**
**Лекин, елкадошим сендаги парвоз,**
**Ленин даҳосининг буюк парвози!**

Порсо ҲОШИМОВ.

Жиззах область Зарбдор районидаги Ойбек номли ўрта мактаб ўқитувчиси.

# САРАТОН

Анғизда янтоқнинг гуллаган ҳиди,
Атрофда ўт-ўлан қовжираб ётар.
Қуёш оловидан ёнар ер бети,
Чигиртка чириллаб, ҳарорат ютар.
Табиат деб айтсак бу торлик қилар,
Олам саҳнидан қараймиз кенгроқ
Буюк ҳодисалар турса-да қатор—
Қулоғинг тегидан кетмас чириллоқ.
Ҳа, бу ер саратон ёзнинг чилласи
Ишчи даврасида тўкин дастурхон.
Деҳқон ноз-неъматин пишган палласи
Карвонни қаршилар қўшиқ ва шеър ҳам.
Қуёшга ўгрилиб ер ҳам ўнг боқар,
Бахти кулганидай деҳқоннинг шу дам.
Бепарво бўлсамда бўларди аммо—
Ўйлатиб қўйди шу ғаллада олам.
Саратон чириллаб дам учун халак—
Жўр кўка интилар сайраб бетиним
Пуштада асати банд берган палак
Шарбати тилларни ёргудек тилим.

**Турғун НУРМАТОВ,**

**Тошкент область Тошкент районидаги С. Раҳимов номли колхоз аъзоси.**

## Спорт

### САФАРДА ДУРАНГ

**СССР чемпионатининг олий лигасида иштирок этаётган командалар ўртасида иккинчи давранинг навбатдаги тур ўйинлари ўтказилди.**

Донецкда маҳаллий «Шахтёр» командасидан 1:3 ҳисобида 'мағлубиятга' учраган пахтакорчилар бу сафар Краснодарда «Кубань» коллективининг меҳмони бўлишди. Қизиқарли ўтган учрашув жанговар дуранг билан (2:2) якунланди.

Биринчилик пешқадами — Минскнинг «Динамо» командаси мазкур турда қимматли бир очкони бой берди. Белорус футболчилари ўз майдонларида Ереваннинг «Арарат» коллективини қабул қилдилар. Кексин спорт курашлари остида ўтган матчда дуранг натижа (1:1) қайд этилди. Ҳозирда очколар сонини 29 тага етказган минсклик футболчилар турнир жадвалининг юқори поғонасини банд этиб туришибди.

Шуниси эътиборга лойиқки, мавсум бошлариданоқ яхши ўйин кўрсатаётган Харьковнинг «Металлист» коллективи иккинчи даврада ҳам ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилмоқда. Харьковлик футболчилар ўтган турда Бокунинг «Нефтчи» коллективига қарши тўп суришди. Учрашувни ташаббускорликда ўтказган майдон эгалари рақиблар дарвозасини икки бор аниқ нишонга олдилар. Бокуликлар бир маротаба муваффақиятга эришишди. 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган «Металлист» командаси жамғармасидаги очколар сонини 23 тага етказди ва турнир жадвалининг иккинчи поғонасини банд этди.

Ленинграднинг «Зенит» командаси иккинчи даврада кетма-кет иккинчи ғалабани қўлга киритди. Бу сафар улар Тбилисининг «Динамо» коллективи билан бўлган ўйинни ўз фойдаларига (3:1) якунлашди. Мазкур ғалабадан сўнг очколар сонини 21 тага етказган ленинградликлар жадвалнинг тўртинчи поғонасига кўтарилишди.

Москвада ЦСКА — «Спартак» командалари ўртасидаги учрашув ҳам қизиқарли ўтди. Бунда спартакчилар рақибларга нисбатан тез ва актив ҳаракат қилдилар. Бу ўз самарасини бермай қолмади. Улар томонидан уюштирилган ҳужумларнинг иккитаси армиячилар дарвозасига тўп киритилиши билан якунланди. 2:0 ҳисобида ғолиб чиққан «Спартак» футболчилари ҳисобларидаги очколар сонини 20 тага етказишди.

Бошқа учрашувлар натижаси билан танишинг: «Днепр» (Днепропетровск) — «Торпедо» (Кутаиси) — 1:1, «Шахтёр» (Донецк) — «Кайрат» (Олмаота) — 3:2, «Черноморец» (Одесса) — «Динамо» (Киев) — 1:0, «Торпедо» (Москва) — «Динамо» (Москва) — 1:1.

БОКС

### ЧЕМПИОНЛАР МАЪЛУМ

**Донецкда ўтказилган СССР чемпионати ниҳоясига етди. Якшанба куни бўлган ҳал қилувчи финал «жанг»ларнинг томошабинлар, завқ билан кузатдилар.**

Республикамиз вакили — фарғоналик Сергей Василенко ғолиблик учун (75 килограммгача бўлган вазнда) чебоксарлик Владимир Мельник билан кураш олиб борди. Сергей биринчи ва учинчи бўлимларда рақибига нисбатан суст ҳаракат қилди. Натижада учрашув ҳакамн чебоксарлик боксчининг ғолиб чиққанини эълон қилди.

Бошқа вазнлар бўйича Радик Ҳуснўтдинов (Челябинск), Юрий Александров (Невиномийск), Самсон Хачатрян (Ереван), Серик Нурказов (Қарағанда), Виктор Рибаков( Москва), Василий Шишов (Куйбишев), Исроил Акопкохян (Ереван), Владимир Лаптев (Чебоксар), Анатолий Коптев (Владивосток), Александр Ягубкин (Донецк) ва Александр Лукстин (Харьков)лар СССР чемпиони деган шарафли унвон соҳиби бўлишди.

# АХБОРОТ

⊙ Хива районидаги «Қоқум» совхозида барча маиший қулайликлари бўлган саккизта икки квартирали коттеж муддатидан илгари фойдаланиш учун топширилди. «Хоразмводстрой» трестига қарашли Урганч қурилиш-монтаж бошқармасида уй-жойларни жадал фойдаланишга топшириш анъана тусини олди. Ҳозир коллектив шу йилнинг тўртинчи квартали ҳисобига ишламоқда.

⊙ Охунбобоев районидаги «Правда» совхозининг марказий посёлкасида янги бино қад кўтарди. Бу ерда 624 ўқувчига мўлжалланган типовой мактаб муддатидан илгари фойдаланишга топширилди. Бу ерда ҳамма нарса ўқиш бошланишига шай қилиб қўйилди. Олтиариқ районидаги «Ленинобод» совхозида, Фориш районидаги Омонгелди номли совхозда, Учқўрғон районидаги «Учқўрғон» совхозида, республиканинг кўпгина бошқа хўжаликларида ҳам янги мактаблар қуриб битказилди.

⊙ Янгиқўрғон район касалхонасининг медицина шаҳарчасида болалар бўлими ташкил қилинди. Бу ерда даволаш ва диагностика кабинетлари, кичкинтойлар ва уларнинг оналари учун шинам палаталар бор. Янги корпус дастлабки 60 нафар кичкинтой беморларни даволаш учун қабул қилди. «Нанай» совхозида қишлоқ типовой участка касалхонаси қурилмоқда. Ҳозир райондаги барча катта аҳоли пунктларида ана шундай стационар даволаш муассасалари ташкил этилган.

⊙ Навоий районидаги «Коммунизм» колхозининг болалар боғчаси шаҳар боғчасидан қолишмайди. Оталиқ ташкилот — «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бу соҳада хизмати катта. Ишчилар колхоз болалар боғчасини ремонт қилдилар ва безатдилар. Тажрибали педагоглар В. Д. Овчинникова, Н. А. Мелиховалар болалар бурчакларини қандай қилиб яхшироқ безатиш кераклигини кўрсатдилар, бир неча очиқ машғулотлар ўтказдилар. Область марказидаги бошқа коллективлар ҳам қишлоқ болалар боғчаларини оталиққа олишган.

(ЎзТАГ).

*Совет турмуш тарзи*

# ҚАТРАДА ҚУЁШ АКСИ

Ленинобод қишлоқ Совети ижроия комитетининг секретари Усмонжон Убайдуллаев билан энг яхши оилалар ҳақида суҳбатлашиб ўтирибмиз.

—Қишлоғимизда ибрат олса арзийдиган оилалар анчагина бор, —деди у. —Айниқса, Топилдиевлар оиласи билан алоҳида фахрланамиз. Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал дейдилар. Яхшиси, юринг, унинг хонадонига борайлик. Гапимга ишонч ҳосил қиласиз.

Икки табақали кўк дарвозадан Абдулатиф Топилдиев хонадонига кириб бордик. Ҳовли озода, саранжом-саришта, анвойи гуллар баҳридилингизни очади. Хонадон соҳиби Қумрихон опа бизни илиқ қарши олди. Ичкари уйдан Абдулатиф аканинг ўзлари чиқиб қолдилар. Салом-аликдан кейин у киши билан суҳбатимиз уруш йилларига бориб тақалди.

А. Топилдиев 1942—1945 йилларда Улуғ Ватан урушининг алангали сўқмоқларини босиб ўтганлардан. Фашист газандаларини муқаддас Ватанимиз тупроғидан улоқтириб ташлашда чинакам жонбозлик кўрсатди. У 2-Белоруссия фронтининг 219-полкида бўлинма командири сифатида Белоруссиянинг Гомель, Барановичи, Польшанинг Цоппот, Гдения, Данциг сингари шаҳарларини душмандан озод этишда халоскорлар сафида бўлди. Данциг шаҳри учун бўлган жангда ўнг оёғи қаттиқ шикастланди. У 1945 йилнинг ноябрида қатор жанговар медаллар билан жонажон қишлоғига қайтди.

Урушдан кейинги йилларда Ленинобод қишлоқ Советидаги 2-, 4-, 6-мактабларда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Кўп йиллар мактаб директори ўринбосари ва директор лавозимларида ишлади. Унинг педагогик билими бойиб, маҳорати тобора ошиб борди ва 1967 йилда «СССР Халқ маорифи аълочиси» деган қутлуғ номга сазовор бўлди.

Абдулатиф ака ҳаётида 1953 йили унутилмас воқеа юз берди: у шонли Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Ёш педагоглар, тарбиячилар Абдулатиф ака Топилдиевни ўзларининг энг яқин устозлари, мураббийлари деб биладилар. 41 йиллик педагогик стажга эга бўлган Абдулатиф Топилдиев 30 йилдан буён Қизил кўприк қишлоғидаги Тельман номли 2-ўрта мактабда ишлаб келмоқда. Ҳозир у киши пенсияда, лекин қариликка ҳеч сўз бермайди. Ҳамон ўз ўқувчилари даврасида. Қишлоқдаги турли тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказишда, янгича анъана, урф-одат ва маросимларни меҳнаткашлар турмушига татбиқ этишда у киши маҳалла комитетининг раиси сифатида фаол қатнашмоқда.

Абдулатиф ака Топилдиев тажрибали моҳир педагоггина эмас, ибратли оиланинг бошлиғи меҳрибон ва ғамхўр ота ҳамдир. Бу хонадонда тўрт нафар ўғил ва олти нафар қиз тарбияланиб, вояга етди. Турмуш ўртоғи Қумрихон ая ҳам 10 йил мактабда ўқитувчилик қилган. Эндиликда уй-рўзғор ишлари билан шуғулланаётган бу аёл қаҳрамон. Зиёли ота ва она, 21 набиранинг меҳрибон бобоси, суюкли бувиси.

Ана шу оилада вояга етган ўғил-қизлар ҳам халқ хўжалигининг турли жабҳаларида ўз ота-оналаридек эл-юрт бахт-саодати йўлида сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Чунончи, тўнғич фарзанд Санобар—гинеколог-акушерка, Зоҳида —математика ўқитувчиси, Абдурашид —қурувчи, Сожида— тикувчи, Зулфия —тарбиячи, Маликжон —механизатор, Зарифа —тикувчи, Жамила —тўқувчи, Қодиржон ва Рустамжон қишлоқдаги 2-ўрта мактабнинг ўқувчиларидир.

Абдуллатиф ака давлат томонидан Улуғ Ватан уруши иштирокчиларига кўрсатилаётган имтиёзлардан тўла баҳраманд бўлмоқда. У кишига область социал таъминоти бўлими томонидан «Москвич» енгил автомашинаси берилган.

Оиладаги тўкинлик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик, меҳнатсеварлик ва бахтиёрлик қатрада акс этган қуёш сингари совет турмуш тарзининг олдий, ўзбек хонадонидаги ёрқин ифодасидир.

К. ДОЛИМОВ,

**Янгиқўрғон райони.**

# ҲАР ТЎҒРИДА

РУЛСИЗ АВТОМОБИЛЬ

**Оёқлар ёрдамисиз бошқариладиган автомобиллар бугунги кунда ҳеч кимни ажаблантирмайди. Швейцариянинг Лозанне шаҳрида бўлиб ўтган электрон-техника кўргазмасида қўллар ёрдамисиз бошқариладиган автомашина намойиш қилинди. Бу автомашинанинг одатдаги рули йўқ. Унинг ўрнига унча катта бўлмаган компьютер монтаж қилинган бўлиб, у ҳайдовчига машинани товуш билан бошқариш имконини беради.**

ҚУЁШДАН ЮЗ МИЛЛИОН МАРОТАБА ЁРУҒ

**Эндиликда астрономларга маълум бўлган энг ёруғ ва энг катта юлдуз Магеллановлар булути галактикасида жойлашган. Унгача бўлган масофа —150 минг ёруғлик йилга тенг (бу юлдуздан бизнинг Еримизгача ёруғлик нури етиб келиши учун худди шунча йил керак).**

**Германия Демократик Республикасида чиқадиган «Вохенпост» ҳафталигининг хабар беришича, астрономлар замонавий аппаратлар ёрдамида юлдузлар тўпламидан иборат деб ҳисоблаб келинган Магеллановлар булутидаги Р—136 а объекти ҳақиқатдан эса жуда катта юлдуз эканлигини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Унинг массаси бизнинг Қуёш массасидан минг маротаба катта, ёруғлиги эса ундан юз миллион маротаба ёрқинроқ. Бу юлдуз очиқ коинотга жуда катта миқдорда энергия чиқариб ҳар куни Ер массасига баробар ўз массасини йўқотар экан.**

ОТА-БОЛА ШЎНҒУВЧИЛАР

**Италиялик Патриция Майорка у ёки бу нафас олиш қурилмаларисиз сув остига шўнғиш бўйича хотин-қизлар ўртасида жаҳон рекордини ўрнатди. У сув остига шўнғиб 50 метр белгига бориб етди. Ўтган йили қайд қилинган 45 метрли рекорд кўрсаткич ҳам Патрицияга тегишли эди. Патриция сув остига шўнғиш санъатини таниқли спортчи бўлган ўз отасидан ўрганган. Қизи рекорд кўрсаткичга эришган куни отаси сув остига шўнғиб 100 метрлик белгига етишга ҳаракат қилиб кўрди. Бироқ 60 метрга етганда у сув остига тушишни тўхтатди. Бундан 8 йил муқаддам Энцо Майорка ҳаёт билан видолашишига озгина қолган эди. Чунки у 87 метрлик кўрсаткични забт этиб, ҳушидан кетганди.**

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎЙИНЧОҒИ

**Энг яхши ўйинчоқлар конкурсида ФранциянингЛарди жамияти томонидан тавсия этилган «Бэби баллон» ўйинчоғи «Гран при» мукофотини олишга муваффақ бўлди. Бу ўйинчоқ йиғма ҳолида коптокни ташкил этади. У тўққизта бўлаклардан иборат. Уларнинг ички томонидаги илгаклар ёрдамида турли хил кўринишдаги шаклларни яратиш мумкин бўлади. «Бэби баллон» ижодкорлари бу ўйинчоқ ёрдамида мингтагача шаклларни ясаш мумкин деб тасдиқламоқдалар. У кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган.**

ХАВФДАН ОГОҲЛАНТИРИШ

**Зараркунанда ҳашоротлар билан заҳарланган баъзи дарахтлар ўша яқин-атрофдаги ўз «акалари» ва «сингиллари»ни юз берадиган хавфдан худди огоҳлантираётгандек, маълум даражада химиявий моддалар ажратиб чиқарар экан. Вашингтон штатидаги Сиэтл шаҳри университетида ишлаётган америкалик биолог Дэвид Роудс шундай хулосага келди. У Америка химия жамиятига тавсия этган докладида зирк дарахти ва мажнунтол устида кузатиш олиб бориб ўрганган маълумотларини келтирди. Хусусан, бу дарахтлар зараркунандалар тухуми билан заҳарланганда, зирк дарахти ва мажнунтол ўз баргини зараркунандалар томонидан ҳазм бўлишини қийинлаштирадиган химиявий субстанция ажратиб чиқарар экан. Шуниси ҳайрон қоларлики, бир дарахтнинг зараркунандалар билан ана шундай «кураш» бошлаши биланоқ 60 метр радиусдаги дарахтларда ҳам ана шундай химоя моддалари пайдо бўлган. Айни пайтда олимлар бир дарахтдан иккинчи дарахтга бериладиган огоҳлантириш сигнали бўлган моддани излаш устида иш олиб бормоқдалар.**

(ТАСС).

*КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА*

# СЎЗ САРЧАШМАСИ

Тилни яратиб, асрлар оша бойитиб, ардоқлаб, сайқаллаб келган халқ — шу тилзаминида тобора кўпроқ пурҳикмат мақолу маталлар ҳам ижод қилиб келмоқда. Бу жараён давом этаверади. Давримиз яратган кенг имкониятлар ҳамда мутахассис олимларнинг қутлуғ ишлари туфайли мақоллар чинакам халқ мулкига айланди. Хусусан, кейинги 20 йил ичида турли нашриётлар ўнлаб мақоллар тўпламларини кўп минг нусхада чоп этишди. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти томонидан чиқарилган «Ўзбек халқ мақоллари»нинг навбатдаги янги нашри ҳам ўқувчилар қўлига тегди. Китобнинг олдинги нашридаги мақоллар уч минг атрофида бўлса, янги нашри 1981 йил унга нисбатан бир ярим баробар кўпдир. Қисқа фурсат ичида шунчалик тўлдирилиши катта гап, албатта.

Халқ ҳикматларини меҳр билан тўплаб бадиий асарларида қиёмига етказиб қўллаган Алишер Навоий мақолларга кўнгил қўйганларни олқаб, деганди:

**Агар ҳикматга бўлса**
**илтифотинг,**
**Ки, бўлсун Нуҳ умрича**
**ҳаётинг!**

Бу эзгу тилак, эндиликда ҳар биримизга қаратилгандек. Ҳа:

**Сўз юзини — ҳикмат**
**очар,**
**Эр юзини — меҳнат.**
**Тан қуввати — овқатдан,**
**Ақл қуввати — ҳикматдан.**

Мухтасар, қуйма, таъсирчан мақолу маталлар моддий-маънавий ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини қамраб олгандир. Чунончи «Ватангадо бўлгандан —кафангадо бўл!» «Диндан чиқсанг ҳам элдан чиқма!» «Эл ёлчимай —эр ёлчимас», «Элни севганни — эл севар», «Тер чиққандан — жон чиқмас», «Йўқни бордай қил, борни болдай», «Деҳқончиликдан қолсанг — бир йил қоласан, чорвачиликдан қолсанг — қирқ йил қоласан», «Ер тўйдирар— ўт куйдирар», «Ҳунар ош-нон беради-ю, сендан луқма сўрамайди», — «Ўқиган — ўқдан ўзар, ўқимаган — турткидан тўзар», «Она кўрки — кўксидаги боласи», «Дарахт кўрки — устидаги меваси», «Ўғли борнинг — ўзи бор, қизи борнинг — иззати бор» каби мақоллар шулар жумласидандир. Умуман, Б. Саримсоқов, А. Мусақулов ва М. Мадраҳимовалар томонидан тузилган мазкур мақоллар мажмуасининг моддий-маънавий ҳамда бадиий тафаккуримиз тараққиётидаги ролини академик Ш. Шоабдураҳмонов ўзининг кириш мақоласида мухтасар баён этган.

Китобнинг янги нашрини тайёрлашда тузувчи муаллифларнинг иштиёқ билан яна бир хайрли ишга қўл урганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Шу билан бир қаторда айрим камчиликларга йўл қўйилганлигини ҳам таъкидламоқчимиз. Чунончи, китобда «Худо берганни—мулла бермас», (334-бет), «Қирқта хотин битта қозонни қайнатолмас» (272-бет) сингари ғоявий-тарбиявий йўналиши жиҳатидан ижтимоий аҳамияти йўқ мақоллар ҳам жой олганини ижобий ҳол деб бўлмайди. Лев Толстой ўз пайтида: «Бизгача кўп донишмандлик айтилган, қани энди ҳар ким уларни дастуриламал қилиб олиб, шунга яраша иш тутса», дея афсусланган эди. Ҳозир мақоллар, ҳикматлар ҳаётимизга ялпи тарзда сингишиб кетган бир даврда ҳам адибнинг ўша орзуси ўз кучини сақлаб келмоқда.

**«Сув сарчашмаси—булоқ,**
**Сўз сарчашмаси—мақол».**

Дарҳақиқат, шундай. Эзгу ишга қўл урган муаллифлар китобнинг янги нашрини тайёрлаш жараёнида юқорида биз баён этган мулоҳазаларни эътиборга олсалар, айни муддао бўларди.

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ,**
**филология фанлари кандидати.**

◆

**Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат филармонияси «Айкулаш» ашула ва рақс ансамбли коллективи СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигига атаб янги программада концерт номерлари тайёрлади. Совет авторлари асарларининг ўзига хос ижро этилиши «Айкулаш»га катта шуҳрат келтирди.**

**Суратда: ансамбль раққослари «Орол йигитлари» рақсини ижро этишмоқда.**

**Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ).**

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ЧОРШАНБА

11 АВГУСТ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ҳайвонот оламида».
10.40 «Овозлар ва бўёқлар». Фильм-концерт.
12.10 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Ягона оилада». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси.
16.15 Болалар учун фильм. «Ҳайвон ўргатувчилар». 4 ва 5-сериялар.
17.00 «Горнчилар, қаердасиз!».
17.35 В. В. Маяковский. «Шеър қандай ёзилади».
18.15 «Ёшлар адреслари».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Инсон ва қонун».
20.00 Ростов-Дон шаҳар камер хорининг концерти.
20.20 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм 6-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Катталар учун контроль иш». 4-кўрсатув.
22.55 «Дунё воқеалари».
23.10 Л. Минкус. «Пахита» балетидан дивертисмент.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Киев Руси билан учрашув». Киножурнал. «Қурилиш ва архитектура». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Бутунроссия конкурси лауреати Ш. Амиров (балалайка) ижро этади.
21.10 «Безовта Америка ҳақида репортаж». Телевизион ҳужжатли фильм. Автор — В. Зорин.
21.30 «Время».
22.05 «Музикали воқеа». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Мактаб манзаралари». Болалар учун фильм-концерт.
12.00 «Қилич ва қалқон». Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун фильм. «Салом».
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ пионер ёзи».
19.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Дўстлик камалаги». Кинопрограмма.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА! «Шаҳарсозлик комплекс муаммолари». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР «Госстрой»и раисининг ўринбосари Д. В. Латипов олиб боради (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси камер оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап!». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Қилич ва қалқон». Кўп серияли бадиий фильм. 3-серия.
23.35 Янгиликлар.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р — 07350. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма хонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1087.